O`zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri

Insonga naf keltirish – oliy baxt

# Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

2010-yil 8-iyul № 81 (2806) payshanba



Ҳасан ПАЙДО олган сурат

Ўзбекистонда аёл эрини уйининг устуни деб билиб, уни ҳамиша сизлайди, эр эса аёлига сен деб мурожаат этаркан. Фарзандлар ота-оналарини ҳамиша сизлайдилар. Оила бошлиғи — оталар улуғланади, уларнинг амри вожиб бўлади бу юртда. Мактаблардан бирида тадбирда бўлдик. Ўқувчилар бизни «Хуш келибсиз!» дея жўр овозда ва карнай садоси остида кутиб олдилар. Бу юрт қандай ажойиб юрт ўзи?! Ўзбекистонга сафарим ВАҚТга саёҳатдек эди назаримда. Бу юртда Европада минг йиллардан бери унутилган туйғулар ҳануз ҳукм сурмоқда. Бироқ буларнинг ҳаммаси бугун содир бўлаётгани — юртнинг ютуғи.

Женни ЭРПЕНБЕК

Замонавий немис адабиётининг етакчи намояндаси

12-бет

## САҲИФАЛАРИМИЗДА



**Камоланинг камолот йўли**

5-бет



**«Қизил китоб»га киритилган**

7-бет



**«Кремний водийси» нима?**

10-бет

# Миришкорда дўстлик кечаси

**«Баркамол авлод йили» Давлат дастурининг ижроси доирасида Миришкор туманидаги ирригация ва мелиорация коллежида дўстлик кечаси ўтказилди.**

Қашқадарёдаги рус миллий-маданий маркази раҳбари Елена Кучеренко, Вори қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Ўткир Кўчимов, араб миллий-маданий маркази вакили Ниёзмуҳаммад Панжиев, туман маънавият ва маърифат маркази раҳбари Панжи Худойбердиев мамлакатимизда турли миллат вакилларининг дўстлик ва биродарлик ришталари мустаҳкамланиб бораётганлиги ҳақида гапирдилар.

Русларнинг «Судорушка» фолклор-этнографик ансамбли қатнашчилари Р.Кандаҳорова, С.Вафиналарнинг қўшиқ ва рақслари, баянчи Эдуард Епишиннинг чиқишлари, туркманларнинг «Сарвиноз» ансамбли ижро этган қўшиқ ва лапарлар кечага файз бағишлади.

**Ўз мухбиримиз**

**Султонали Исломовни Ширин шаҳрида омилкор ишбилармон сифатида яхши танишади. Дастлаб у қандолат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқчи бўлди. Бунинг учун узоқ вақт изланди, юрт кезди. Бухоро шаҳрига бориб, етти авлоди шу касб билан шуғулланган таникли қандолатпазга шогирд тушди. Уч ой давомида устозидан новвот, оқ қанд, ҳолва, парварда ишлаб чиқаришнинг ипидан-игнасигача эринмай ўрганди.**

# Шириндан-шакар

Шундан сўнг Россиянинг Екатеринбург шаҳрига отланди ва у ердаги қандолат маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи заводда соҳани янада пухта ўрганди. Ва ниҳоят,«Садаф савдо юлдузи» хусусий ишлаб чиқариш корхонасини ташкил этиб, унда беш хил турдаги қандолат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. «Агробанк»нинг шаҳар бўлимидан 30 миллион сўм кредит олиб, ишлаб чиқариш жиҳозларини харид қилди. Корхонада ҳолва, новвот, оққанд, ширин кулча, коржик каби қандолат маҳсулотлари «Ширинда ишлаб чиқарилган» тамғаси билан истеъмол бозорига чиқа бошлади. Арзон ва сифатли маҳсулотлар кимга ёқмайди, у тезда харидоргир бўлиб кетди. Корхонага нафақат Шириндан, балки Боёвут Ховос туманларидан ва Янгиер, Бекобод шаҳарларидан буюртмалар ёғила бошлади.

Ишбилармон йигит ўзига муносиб шогирдлар тайёрлаб, 4 нафар ёшларга ўз ҳунарини ўргатмоқда. Ахир тадбиркор қанча кўп бўлса, юрт шунча обод, фаровон бўлади-да!

**Анорбой НОРҚУЛОВ**

**Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғуларини камол топтириш, юрт тақдирига дахлдорлик ҳисси билан йўғрилган, мазмунан теран, бадиий етук қўшиқлар яратишни рағбатлантириш мақсадида ўтказилаётган «Ягонасан, муқаддас ватан!» республика танловининг Бухоро вилоят босқичи якунланди.**

# Кўрик-танлов ғолиблари

Ўнлаб иқтидорли ёшлар иштирок этган ушбу кўрикда нуфузли ҳайъат ғолибларни икки йўналишда — маданият ва спорт ишлари бошқармаси ҳамда «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси тасарруфидаги бадиий жамоалар маҳоратини баҳолаб боришди.

Бошқармага тегишли бадиий жамоалар орасида бухоролик Гулруҳ Комилова ёш хонандалар баҳсида биринчи ўринни эгаллади. Хонандалар Ширина (Марҳабо Музаффарова), Абдураҳим Жалиловлар иккинчи ва учинчи ўрин соҳиби бўлишди.

«Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси вилоят бўлими хонандаси Жасур Жабборов биринчи ўринга лойиқ деб топилди. Кейинги ўринларни ғиждувонлик Ёрқин Маҳмудов ва шофирконлик Алишер Алиевлар банд этишди.

Турли йўналишларда ғолибликка эришган ёш қўшиқчилар «Ягонасан, муқаддас ватан!» танловининг республика босқичида маҳоратларини намойиш қилишади.

**Иззатулла ҲОЖИЕВ, «Ishonch» мухбири**

# Футбол хайрия ҳашари

Жиззахда оммавий футболни қўллаб-қувватлаш мақсадида хайрия ҳашари бўлиб ўтди. Футбол майдонларини ободонлаштириш, спорт иншоотлари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш билан боғлиқ ишлар амалга оширилди.

Ҳашардан тушган маблағ қишлоқ ва маҳаллаларда болалар футболини ривожлантириш, иқтидорли ёшларни профессионал клубга кенг жалб этиш, вилоят футбол федерацияси ҳамда футбол жамоаларини моддий қўллаб-қувватлашга сарфланадиган бўлди.

**Абдуманноп АЗИМОВ, «Ishonch» мухбири**



**Ёзёвон туманида қишлоқ жойларда кичик ва хусусий бизнесни ривожлантириш, хизмат кўрсатиш ва сервис шахобчаларини ташкил этиш, саноат корхоналарини олиб кириш борасида сезиларли ишлар амалга оширилмоқда.**

Хусусан, тумандаги «Фар-Водий чиннигул», «Алгоритм», «Фарзона элит» каби хусусий корхоналарда кўплаб иш ўринлари яратилмоқда. Шунингдек, яқинда туманнинг бешта қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида миллий ҳунармандчилик йўналиши бўйича кичик корхоналар ташкил этилди.

«Бибисора Неъматова» хусусий корхонаси касаначилик йўли билан 20 нафар қишлоқ аҳлини доимий иш билан таъминлади. Корхона касаначиси Зиёдулло Ғайназаров бугун корхона буюртмасига асосан эркаклар шими, кўйлаклар, костюм, тўн ва бошқа тикувчилик маҳсулотлари етказиб бермоқда.

**Суратда: Ёзёвон туманидаги «Бибисора Неъматова» хусусий корхонаси касаначиси Зиёдулло Ғайназаров шогирди Улуғбек Собиров билан иш пайтида.**

**М. ҚОДИРОВ (ЎзА) олган сурат**

# Ҳаммаси назорат остида

Чорвачилик изчил фаолиятни тақозо этади. Жумладан, жорий йилда 165 та зооветеринария шохобчаси ташкил этиш кўзда тутилган бўлиб, ўтган давр давомида шуларнинг 60 таси ишга туширилди. Айни чоғда жами шохобча сони 2503 тага етди. Йил бошидан бери 5 ой мобайнида 2 млрд. 828 млн. сўмдан зиёд сервис хизматлари кўрсатилди. 364,5 минг бошдан ортиқ сигир сунъий уруғлантирилди. Чорваси бор 3 млн. хонадон билан шартнома тузилди. Сунъий уруғлантиришнинг афзалликлари акс эттирилган 2245 та панно тайёрланиб, аҳоли гавжум деҳқон ва мол бозорларига ўрнатилди.

Аҳоли, деҳқон, фермер ва шахсий ёрдамчи хўжаликларга ветеринария сервис хизматлари кўрсатишни янада яхшилаш мақсадида 64 та «Тез ветхизмат» автоуловлари ташкил этилиб, чақирув асосида хизмат кўрсатиш йўлга қўйилди.

Шунингдек, 1 та қушхона ва 57 та сўйиш майдончалари янгидан ташкил этилиб, қушхона сони 373 тага, сўйиш майдончалари эса 1746 тага етказилди ҳамда ветеринария-санитария назорати ўрнатилди.

**Чори САТТОРОВ, Республика Давлат ветеринария Бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари**

# Якдиллик самараси

Ижтимоий шерикчилик муҳим тамойил. Шундан келиб чиққан ҳолда эътиборни фаолликни ошириш, касаба уюшмаси нуфузини кўтариш, ходимлар манфаатлари ва ҳуқуқлари ҳимоясида собит туришга қаратганмиз.

Ўтган даврда 2285 нафар ходимимиз жамоа шартномаси ва тармоқ келишувида қайд этилганидек, иш берувчилар маблағи ҳисобидан қайта ўқитилди. 487 нафарининг касбий маҳорати оширилди. Шунингдек, меҳнатни муҳофаза қилиш тадбирларига сарфланаётган маблағ миқдори оширилаяпти. Кейинги беш йилда бу миқдор 2,5-3 баробарга ошди.

Ташкилотимиз таркибидаги меҳнатни муҳофазалаш комиссиялари иши жонлантирилди. Ваколатли вакиллар сони қарийб бир ярим баробарга ортиб, улар 31 кишига етказилди. Корхонада бугунги кунда 28 нафар мутахассис фаолият кўрсатмоқда. Ўтган даврда 63 та иш жойи аттестациядан ўтказилди.

Меҳнат муҳофазасида 14456 та камчилик аниқланиб, 12481 таси бартараф этилди. Ходимлар 175.412.450 сўмлик ҳимоя воситалари, 11.884.256 сўмлик коржомалар билан таъминланди.

Аммо ҳуқуқий саводхонликни оширмай туриб мақсадга эришиш қийин. Шунинг учун корхона ҳуқуқшуноси, кадрлар бўлими ходимлари жалб этилган ҳолда 12 марта ўқув-семинар машғулотлари ташкил этилди.

Меҳр-мурувват кўрсатиш хайрли иш. Корхона маъмурияти ва касаба уюшма ташкилоти томонидан Кўзи ожизлар, Карлар жамияти, Саховат уйларига 311947 минг сўмликдан ортиқ ёрдам кўрсатилди. Ногирон, ёш ва ижтимоий муҳофазага муҳтож оилалар, уруш қатнашчиларига 41076 минг сўмлик ёрдам берилди.

Аёлларга қулай иш шароити яратиш бўйича ҳам ибратли ишлар қилинаяпти. Корхонада меҳнат қилаётган 343 нафар аёл доимий эътиборда. Уларнинг 80 таси хотин-қизлар байрамида алоҳида тақдирланган бўлса, 30 нафари касаба уюшма тадбирларидаги фаол иштироки учун рағбатлантирилди. Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса туфайли боқувчисини йўқотган 11 та оилага вояга етмаган фарзандлари тарбияси учун ҳар ойда корхона ҳисобидан муайян миқдорда маблағ тўлаб келинаяпти.

Бир сўз билан айтганда, маъмурият ва касаба уюшма ташкилоти меҳнаткашларга афзаллик яратишнинг барча манбаларидан самарали фойдаланишга интилаётир.

**Раҳмат ЗУЛПОНОВ, «Самарқанд электр тармоқлари» ОАЖ касаба уюшма қўмитаси раиси**

«Инсонга наф келтириш — олий бахт» танловига

# Касаба уюшма мактаби

«Ходимлар сони қисқартирилармиш» деган шов-шув бирпасда бутун жамоага тарқалди. Ишчиларнинг оилавий шароити, иш стажи, малакаси, мутахассислиги, корхона иқтисодиётига қўшган ҳиссаси ҳисобга олинган ҳолда чиқарилган рўйхат эълон қилингач, касаба уюшма қўмитаси раисининг қабулига келувчиларнинг кети узилмай қолди.

Режасиз, олдиндан билдирилмаган қисқариш бутун жамоани безовта қилиб қўйди. 115 нафар ходим, шунча тақдир. Оилангни тебратиб турган ишингдан ажралиб қолсанг, қандай ҳолатга тушишни тасаввур қилиш қийин эмас.

Юзага келган вазият Талимаржон иссиқлик электр станцияси касаба уюшма қўмитаси раиси Анвар Ашуровни бироз шошириб қўйгани рост. Яқиндагина қўмита раислигига сайланган, илгари бундай катта «жанжал»ларга дуч келмаган Анвар одати бўйича қўлини қовуштириб ўтирмади. Касаба уюшма фаолларининг ҳар бири билан яккама-якка гаплашиб, фикрини ўрганди, қонун ҳужжатлари билан обдон танишиб чиқди.

Ана шундай вазиятда масала муҳокамаси учун касаба уюшма қўмитаси йиғилиши чақирилди. Йиғилишда қўмита аъзолари вазиятдан чиқиш, муаммони келишув йўли билан бартараф этиш юзасидан таклифларини билдирдилар. Айтилган фикрлар натижасига кўра, маъмурият билан касаба уюшма қўмитасининг қўшма йиғилишини чақириш, қисқаришга тушган ходимларни иш билан таъминлаш, уларга уч ойлик иш ҳақи миқдорида компенсация тўлаш масаласини ҳал этиш юзасидан иш берувчига таклиф киритиш ҳақида қарор қабул қилинди.

Кўп ўтмай касаба уюшма таклифи маъмурият томонидан маъқулланиб, қўшма йиғилиш куни белгиланди. Йиғилишда корхонадаги ҳар бир ходимнинг тақдири учун ўзини масъул деб биладиган директор Искандар Басидовга касаба уюшма қўмитаси раиси билдирган таклифлар жуда маъқул бўлди. Қўшимча иш жойлари ташкил этилиб, қисқаришга тушганларнинг 60 фоизи корхонада қолдирилди, 30 фоизи қурилиш дирекциясига жойлаштирилди, 10 фоизи эса имтиёзли равишда пенсияга чиқарилди.

Ходимларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари қатъият билан ҳимоя қилинган ўша кунни ҳозиргача кўпчилик яхши эслайди. Бу воқеа касаба уюшма қўмитасининг 3 минг кишилик катта жамоада нуфузини оширган, касаба уюшма аъзоларининг ишончини орттирган эди.

— Ўшандан буён ўн йилча вақт ўтди, — дейди Анваржон бизни кабинетига бошлар экан. — Ўтган йилларда амалга оширилган ишларни таърифлашга сўз ожизлик қилади.

Давлатимизнинг Туркманистон билан чегарадош ҳудудида жойлашган Талимаржон иссиқлик электр станциясининг ўзига хос тарихи бор. 1980-йилларда корхонанинг биринчи энергия блокига дастлабки ғишт қўйилган. Ўша даврда вилоят раҳбари бўлиб ишлаган Президентимиз Ислом Каримов қурувчилар ҳузурида бўлиб, гигант объектнинг истиқболига ниҳоятда катта баҳо берган. Юртбошимизнинг «Вақти келиб, чўл қўйнидаги бу ерлар обод гўшага айланади. Мен Нуристон нури бутун мамлакатни ёритишига ишонаман», — деган гаплари кексалар ҳамон жуда яхши эслашади.

Бундан 18 йил бурун Тошкент политехника институтининг техник жараёнларни автоматик бошқариш факультетини битирган ёш кадр Анвар Ашуров олий ўқув юрти йўлланмаси билан Талимаржон иссиқлик электр станциясига ишга келган эди. Ўшанда атроф бийдай дашт, яккам-дуккам кўкарган дарахтларнинг табиатга таъсири сезилмасди. Қишнинг изғирини, ёзнинг гармсели тинкани қуритарди.

Анвар корхонада 4 йил чилангарлик қилди, кейинчалик цех устаси лавозимига ўтказишди. Қарши туманидан бориб, муқим ишлаб қолган, корхонадагилар билан ака-ука бўлиб кетган Анварни орадан кўп ўтмай участка бошлиғи вазифасига тайинлашди. Қаерда ишламасин одамлар билан тез тил топишадиган йигитни 1999 йилда касаба уюшма қўмитаси раислигига сайлашди.

Нуристон шаҳарчаси Талимаржон иссиқлик электр станциясидан сал баландроқда жойлашган. Бу ердан корхона тарафга назар ташласангиз, ажойиб манзарага кўзингиз тушади. Станция ўртасидаги 270 метрлик минора осмонга суяб қўйилган улкан устунни эслатади. Корхона ёнгинасидан оқиб ўтувчи анҳор, турли ҳолатда осмонга бўй чўзиб турган иншоотлар яхлит ҳолда кўркам кўринади.

Анвар билан шаҳарчанинг қоқ марказида турибмиз.

— Инсонни бежиз ҳаёт гултожига қиёс қилмайдилар, — дейди у. — Бу жойлар мен учун қадрдон бўлиб қолган. Мана шу улкан корхона, тобора чирой очиб бораётган Нуристон менинг кўз ўнгимда қад ростлади.



Электр станциясининг 1-, 2-, 3-, 4-энергия блоклари, 10 дан ортиқ цех, хизмат кўрсатувчи ва ёрдамчи иншоотлар қурилди. Нуристонда ўнлаб бинолар, мактаблар, боғчалар, дўконлар, хизмат кўрсатиш шохобчалари, истироҳат боғи, маданият саройи бунёд этилди.

Корхонамиз туфайли Талимаржон номи узоқ ва яқинга машҳур бўлди. Мана шу ишларда касаба уюшма қўмитасининг ҳам ҳиссаси борлиги билан фахрланаман.

Корхона раҳбари Искандар Басидовнинг забардаст қиёфаси уни бир кўрган кишининг хотирасида сақланиб қолиши аниқ. Юзкўзлари мулойим боқувчи гавдасидан ғайрат-шижоат ёғилиб турган бу камтар инсон билан осонгина суҳбатга киришиб кетдик.

— Касаба уюшмаси бизнинг ишончли ҳамкоримиз. Мен ижтимоий шерикчилик механизмини жуда яхши биламан. Касаба уюшмаси билан маъмуриятнинг йўли ҳам, мақсади ҳам битта. Шунинг учун ўртамизда ҳеч қачон ихтилоф чиқмаган.

Жамоадаги маданий-маърифий ишлар, ходимлар ҳуқуқларининг ҳимоя қилиниши, меҳнат муҳофазаси, одамлар учун ғамхўрлик, спорт тадбирлари, ногиронларга, эҳтиёжмандларга кўмаклашиш, қаранг, энг савобли ишлар касаба уюшмаси зиммасида.

Йигитларимиз мана шу ишларни қойил қилишаяпти. Шахсан мен раҳбар сифатида уларнинг фаолиятидан миннатдорман. Касаба уюшмасининг жамоамизда алоҳида обрўси бор. Шу туфайли улар хотин-қизлар қўмитаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Нуроний» жамғармасининг корхонадаги бўғинлари фаолиятини ягона мақсад сари бирлаштириб, мувофиқлаштириб бораяпти. Бу осон иш эмас.

Касаба уюшма қўмитаси корхонадаги ишчиларнинг ҳақиқий таянчига айланган. Хурсандчилик кунлари, баъзида бўладиган ташвишли дақиқалар касаба уюшма фаолларисиз ўтмайди. Ходимлар бошига ташвиш тушганда, албатта, касаба уюшма қўмитаси раисига мурожаат этишади.

Оилавий жанжаллар, қўшнилар ўртасидаги келишмовчиликлар, фарзандлар тарбияси, маҳалла, ширкат бўйича муаммолар касаба уюшма қўмитаси раҳбарлигида фаоллар ва ҳуқуқшунос иштирокида муҳокама қилинади ва бир ечимга келинади. Бундай ижтимоий ҳамкорлик корхона ҳаётида муҳим аҳамият касб этаяпти.

Жамоа шартномаларининг жиддий мулоҳаза билан корхонадаги муаммоларни ечишга қаратиб ишлаб чиқилаётганлиги касаба уюшма қўмитасининг ишини анча енгиллаштирмоқда. 2008 йили ишчиларни махсус кийим ва сут-қатиқ билан таъминлаш ва меҳнат шароитини яхшилашга 32 млн. 500 минг сўм сарфланган. 2009 йил бошида эса муаммолар қайта ўрганиб чиқилиб, 52 млн. сўм сарфлаш режага киритилди.

2010 йилда касаба уюшма ташаббуси билан корхона ёрдамчи хўжалигига 100 та голланд-швед зотли қорамол олинган. Бу ходимларни бепул сут-қатиқ билан таъминлаш имконини бермоқда. Касаначилик асосида 17 та иш ўрни яратилган, чевар қизлар уйларида ишчилар учун махсус кийим тикадилар.

Жамоа шартномасида ходимларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор берилган. Кейинги икки йилда жамоа шартномасига мувофиқ 5 та ёш оиланинг уйи таъмирланди, 2 та ёш оилага уй қуриш учун материаллар ажратилди.

Талимаржон чегара ҳудудида жойлашганлиги, Нуристон шаҳарчасида 20 дан ортиқ миллат вакиллари яшаши боис бу ерда маънавий-маърифий ишларни ўзига хос услубда ташкил этишга, мавзуларнинг таъсирчанлигига, ранг-баранглигига алоҳида эътибор қаратилади.

Касаба уюшма қўмитасининг Нуристон шаҳарчаси марказидаги ҳашаматли маданият саройи маданий, маърифий ишларнинг чинакам ўчоғига айланган. Мана шу тадбирлар мазмунига Ўзбекистон Президентининг «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги қарорида қўйилган вазифалар сингдирилганини алоҳида таъкидлаш ўринли. Ватан равнақи, халқ фаровонлиги, комил инсонни тарбиялаш, динлараро бағрикенглик, ижтимоий ҳамкорлик каби мавзулардаги суҳбатлар қизғин мунозара ва ҳамжиҳатлик асосида ўтказилаяпти.

— Маданият саройи касаба уюшма қўмитаси балансидами? — сўраймиз касабақўмдан.

— Ҳа, бунинг ҳам кичкина тарихи бор. Илгари корхона балансида бўлган ушбу сарой вилоят давлат мулки қўмитаси томонидан кимошди савдоси орқали сотиладиган объектлар рўйхатига киритилган эди. Ҳаридорлар ҳам топилиб, маданият масканини қўлдан бой бериш хавфи юзага келди.

Биз иш берувчи билан келишиб, жамоа шартномасига асосан касаба уюшма қўмитасига ажратиладиган 1 фоиз ажратма ҳисобидан маданият саройини сотиб олдик. Ҳозир қўлимизда мулкка эгалик қилиш ҳуқуқини берувчи ҳужжатлар бор. Бу албатта маъмурият билан касаба уюшма қўмитасининг якдиллиги натижасидир.

Касаба уюшма қўмитасининг ташаббуси билан Қарши шаҳридаги «Мурувват» уйини оталиққа олиш ҳақида жамоа шартномасига қўшимча банд киритилди. Айни пайтда бу ерда таъмирлаш ишлари олиб борилаяпти.

Гапни мухтасар қилганда, мамлакатимизнинг гигант корхоналаридан бири, инсонларга нур таратишдек улуғ ва хайрли ишга ҳисса қўшаётган Талимаржон иссиқлик электр станцияси жамоаси ҳаётида касаба уюшма қўмитасининг алоҳида ўрни бор.

— Касаба уюшмасидан миннатдорман, — дейди яқинда янги муддатга касабақўм етакчиси вазифасига сайланган Анвар Ашуров биз билан хайрлашиш олдидан. — У мени жамоага танитди, обрў-эътибор берди, унинг мактабида шаклландим, тажриба орттирдим. Бу мактабни ҳақиқий ҳаёт мактаби деган келади.

**Довуд МАДИЕВ,**
**Исмат ОЧИЛОВ**

# Камоланинг камолот йўли



Инсон кўпинча ўзи ва бошқалар кутмаган ҳолда тўғри йўлни танлайди. Хатолар ҳам асоссиз содир бўлмайди. Чунки фикр ва ҳаракат бир-бирига мутаносибдир. Ишонасизми, инсон ўз вақтини ўзи бошқаришга қодир. Қачонки мақсад босаётган ҳар битта қадаминг билан ҳамоҳанг бўлса. Оддий қилиб айтганда, худди машҳур афсонадагидек сен тепаликка олиб чиқаётган тош ўн, юз бор пастликка қулаши мумкин. Бу эса сени ўша улуғвор тепаликка тобора яқинлаштиради. Ушбу мураккаб жараён туфайли сен қачондир уни забт этишингга чин дилдан ишона бошлайсан. Демак, бирор-бир жиддий қарорга келган лаҳзанинг ўзидаёқ сен унга эришгансан. Ҳаётда тўғри йўлни бошқаларнинг ёрдамисиз танлай олишининг ўзи бир ҳикмат. Сабаби шундаки, бу йўлнинг ибтидоси ҳам, интиҳоси ҳам ўз ҳаракатингга боғлиқ.

Компютер ва коммуникация ахборот ўқув маркази инглиз тили фани ўқитувчиси Камола Саломованинг теран фикрлари менда ҳам қизиқиш уйғотди. Тил билганлиги шарофати ила дунё маданиятига кириб бораётган бу тенгдошим ҳақиқатдан ҳам янги даврнинг остонасида турганини ич-ичдан ҳис қилгандек бўлдим.

Қарангки, эндигина йигирма уч ёшга қадам қўйган Камола Саломованинг шогирдлари бугун бир қатор халқаро олийгоҳларда таҳсил олмоқда. Камола инглиз, рус ва араб тилларида равон гаплаша олади, ҳозирда испан ва форс тилларини ўрганмоқда. Дарвоқе, у Ўзбекистонда инглиз тилини ўрганишнинг янгича услублари ва йўлларини ишлаб чиқиш ҳаракатида.

— Бугун дунё халқлари беш мингдан ортиқ тилда гаплашадилар, — дейди у. — Айни пайтга келиб, инглиз тилининг ўзи юзлаб лаҳжаларга бўлиниб кетди. Бизнинг марказимизда уч йил ичида икки мингдан ортиқ ёшлар инглиз ва рус тиллари ҳамда компютер саводхонлиги курсларида таҳсил олишга улгуришди. Инглиз тили дарсларимиз Буюкбританиянинг Оксфорд университети қўлланмалари асосида аудио-видео техникалари ёрдамида ўтказилади. Бизда ўқиётган ёшлар IELTS ва TOEFL имтиҳонларини бемалол топшириш даражасигача етишади. Шунингдек, марказимизда вилоятда ягона DVD кутубхона ва инглиз тилига оид турли бадиий китоблар мавжуд. Баркамол авлод йили муносабати билан болажонлар учун инглиз тили курслари ташкил этилди.

**Мен — ёшликман**

Ҳеч ўйлаб кўрганмисиз? Бугун тил марказларининг ёшларимиз ҳаётидаги ўрни қай даражада? Тил ўрганишнинг фойдали томонлари нимада? Қандай қилиб хорижий тилларни тез ва осон ўрганиш мумкин?

— Шаҳримиздаги айрим тил марказларига эътибор қаратсангиз, ўз рекламаларида турли хорижий тилларни тез ва осон ўргатишга урғу беришмоқда, — дейди Камола. – Аммо ҳолва деган билан оғиз чучимайди. Бир нарсани алоҳида таъкидлаб ўтишни хоҳлардим: ҳозирги пайтда, яъни техника тараққиёти даврида ёшларимиз бўш вақтларини кўпинча компютер қаршисида ўтказишаяпти. Замонавий уяли телефонлар орқали соатлаб вақтларини йўқотишаяпти. Ёшликдан вақтни фойдали ишга сарфлашга одатланиш керак. Вақт ажратиб, ҳеч бўлмаса битта хорижий тилни ўргансин.

Баъзан марказимизга Қарши Давлат университетининг хорижий тиллар факултетини битирган талабалар ҳам ўқиш учун келишаяпти. Ҳолбуки, улар тил марказига ўқиш учун эмас, ўқитиш учун келишлари лозим.

Камоланинг айтишича, хорижий тиллар бўйича чуқурлаштирилган клублар фаолиятини йўлга қўйиш орқали тил ўрганувчиларнинг нутқи ривожланади, фикрлари тиниқлашади.

— Яқинда америкалик бир мутахассис томонидан инглиз тилини тез ва осон ўрганиш бўйича янги дастур ишлаб чиқилди. – дейди у. – Яъни сан-францисколик ўқитувчи A.J.Hoge эшитиш йўли билан инглиз тилини тезроқ ўрганиш борасида ўз тажрибасини дунё аҳлига эълон қилди. Улардан бирида айтилишича, ёш кореялик талаба қиз эллик мингдан ортиқ сўзни ёддан билади, лекин булардан фойдалана олмайди. A.J.Hogeнинг кўрсатмаларидан сўнг бу талаба 6 ойда инглиз тилида равон гаплашишни бошлайди. Ҳозирда бу услубдан ўз дарсларимда фойдаланаяпман.

Суҳбатдошимнинг қизиқишлари ҳақиқатан ҳам эътирофга лойиқ. У ўзи алоҳида таъкидлаб ўтганидек «Ҳар қандай зиёли суҳбатдошни биринчи учрашувдаёқ маҳлиё этиши лозим. Бу эса бир умрлик ғалабага тенгдир» мушоҳадасини маромига етказиб уддалаган. Шунингдек, менинг ёдимдан кўтарилган «Бугунги давр ёшлари қандай бўлиши лозим?» деган саволга у бутун суҳбат давомида жавоб бериб ўтгандек эди.

**Асрор АЛЛАЁРОВ**

# Ишчиларга меҳр улашиб



Мустақиллик кишиларимизда тадбиркорлик, ишбилармонлик, ерга эгалик ҳиссини кучайтирди.

Буни Шеробод туманидаги «Исо полвон Барака файз» фермер хўжалиги бошлиғи Усмон Мусаев мисолида кўриш мумкин. Хўжаликнинг умумий ер майдони 125 гектар, шундан 88,8 гектари суғориладиган, қолгани бўз ер ва яйловлардир. Шерободнинг иқлими инжиқ. Баъзи экин майдонлари шўр. Айни шу шароитда меҳнат қилишнинг ўзи бўлмайди. Ўтган йилги оптималлаштириш чоғида фермерликдан воз кечганлар ҳам бўлди. Лекин Усмон бўш келмади. Аксинча ерини кенгайтирди, яна ташландиқ, қаровсиз қолган ерлардан қўшиб олди.

**Меҳнатидан қадр топаётганлар**

— Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида 43,5 гектар ерга ғалла экиб, юқори ҳосилдорликка эришдик. Шартномавий режа 61,7 тонна бўлгани ҳолда давлатга 100 тонна дон топширилди. 45,3 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 50 центнердан ошириб ҳосил олдик. Хўжалигимиз иқтисодини янада ривожлантириш учун чорвачилик ва паррандачиликда ҳам ўзимизни синаяпмиз. Доимий ишловчиларимиз 45 нафар. Меҳнатига яраша даромад ҳам йилдан-йилга ошиб бормоқда. Бугун бир ҳақиқатни ҳеч ким инкор этмаса керак: соғлом муҳит, ишга тўғри муносабат, ташаббускорлик ва давр билан ҳамқадамлик бўлса, ишчиларга қулай иш шароити рағбатдир. Шукрки, маошда узилишлар йўқ. Махсус иш кийимлар бепул иссиқ овқат ташкил этилган,— дейди фермер.

Софдаромаддан ўнлаб кам таъминланган оилаларга моддий жиҳатдан кўмаклашилди. Чин-етим болаларга кийим-бош, ўқув дарсликлари ва қуроллари олиб берилди.

— Маҳалла гузарига, туман «Ногиронлар», «Кўзи ожизлар», «Қизил Ярим ой» жамиятларига, мактаблар, мактабгача таълим муассасалари, турли спорт тўгараклари ҳамда эҳтиёжманд оилаларга моддий кўмакдан ташқари, ўзимиз етиштирган полиз маҳсулотларидан бепул берилади, — дейди механизатор Холмат Бўриев. Шунингдек, хўжалик уйларимизни жорий таъмирдан чиқаришга қарашади. Бу йил ҳар биримизга 1400 килограммдан буғдой улашилди.

— Раҳбар билан 2008-2010 йиллар учун имзоланган жамоа шартномасига асосан, ишчи-хизматчиларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадига 4,5 млн. сўм сарфланди,— дейди хўжалик бошланғич касаба уюшма қўмитаси раиси Баҳром Ўролов. — Техника хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазаси масалаларига ҳам 3 млн. сўм харж қилинди. Самарқанд, Хива, Бухоро шаҳарларига уюштирилган саёҳат ғоятда кўнгилли ўтди. Ишчилар эҳтиёжларига қараб турли сиҳатгоҳларда, уларнинг фарзандлари эса ёз мавсумида оромгоҳларда бепул дам олдирилаяпти.

**Рустам ДАВЛАТОВ, «Ishonch» мухбири**

***Бугун келажак авлод ва унинг тарбиясига кўрсатилаётган алоҳида эътибор устоз ва мураббийларга ҳам катта масъулият юклайди. Улардан бири шифокор-ўқитувчи, тиббиёт фанлари номзоди, доцент Жаҳонгир Ортиқовдир. У 2005 йилдан бери иккинчи Тошкент Тиббиёт академияси патологик анатомия кафедрасида фаолият юритиб келмоқда. Ҳам шифокор, ҳам ўқитувчи сифатида кўплаб шогирдлар орттирган. Талабалари орасидан профессор олимлар, фан докторлари етишиб чиқди.***

# Шифокорлар сулоласи

— Ўқитувчи ўзи ўқитган талабаларнинг ютуғидан бир поғона юқори кўтарилади, қувонади, — дейди у. — Талабаларнинг кўпчилиги биринчи курсданоқ илмга чанқоқлиги билан ажралиб туради. Шундай иқтидорли ёшлар борлиги учун дарсга иштиёқ билан кираман. Отам эллик етти йил мактабда дарс берди. Касбга садоқат, илмга ҳавас отамдан ўтган. Фанимга келсак, патологик анатомия инсон организмидаги касаллик жараёнлари ва организмнинг нормал ҳолатдан чиқиш сабабларини ўрганади. Бугун жаҳонда бу жабҳада янгидан-янги кашфиётлар қилинаётир. Хусусан, ҳиндистонлик олим жаноб Кумарнинг китоблари барча учун энг муҳим манба бўлиб бораётгани улоқ Осиё қитъасига ўтаётганидан далолатдир. Бинобарин, кўпгина давлатлар билан илмий тажриба алмашиш борасида мунтазам алоқалар йўлга қўйилганлиги ўз самарасини бермоқда. Ўрта ва олий шифокорларимиз чет элда малака ошириб қайтмоқда. Талаба ва ўқитувчиларимиз жумладан, стомотология бўйича Кореянинг Сеулдаги йирик университетлари билан ҳамкорликда изланишлар олиб бормоқда. Англия, Америка, Исроил ва бошқа давлатлар билан ҳам яхши илмий муносабатдамиз. Кези келганда ўқитувчиларнинг халқаро анжуманлардаги иштироки ва хорижий мутахассисларнинг Ўзбекистонга келиши кабиларни ҳам қайд этиб ўтиш мумкин.

Айни пайтда даволовчи шифокорларнинг 7 йиллик бакалавр таълими, кейин 3 йиллик магистратура, дарслар соати, ўқитиш тизими дунё стандартлари асосида олиб борилаётганлиги, мавзулар ҳам уларга мос келиши бугун академияни тамомлаган мутахассислар дунёнинг хоҳлаган тиббиёт муассасасида ишлаб кета олиши учун имкон беради. Аммо умумий амалиёт шифокорларини янада кўпроқ тайёрлаш ҳар қачонгидек муҳимлигича қолмоқда. Қишлоқ ва шаҳар пунктларида фаолият юритувчи бу шифокорлар зиммасида чиндан масъулиятли вазифа бор. Чунки улар ҳам педиатр, ҳам хирург, ҳам акушер бўлиши керак. Шунингдек, оилавий шифокорлар тайёрлаш ва амалиётда ўргатиш учун Япония ва Германия билан ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Жаҳонгир Ортиқовнинг оиласини шифокорлар сулоласи дейиш мумкин. Турмуш ўртоғи билан Тошкент тиббиёт институтида бирга ўқиган. Ҳозир у Сергели тиббиёт коллежида дарс беради. Қизи ҳам академияни битирган ва йўлланма асосида коллежда дарс бермоқда. Катта ўғли Тошкент Тиббиёт академиясида 5-босқич, кичиги биринчи босқич талабасидир.

**Рахшона ТОШПЎЛАТОВА**



# Сўраган эдингиз

**Касаба уюшма етакчиларининг таҳририятимизга йўллаган саволларига тўлиқ жавоб олиш мақсадида Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши раиси О.МУҲИТДИНОВАга мурожаат қилгандик. Қуйида Марказий кенгаш мутахассислари томонидан мазкур саволларга берилган жавобларни эътиборингизга ҳавола этамиз:**

*1. Корхонада касб касаллиги бўйича ногиронликка чиққан ходимнинг компенсация, дори-дармон, парҳез таомлар харажатлари қандай тўланади?*

*2. Қишлоқ врачлик пунктлари ташкил қилинди, лекин олдин шу участкада бир неча йилдан буён ишлаб келаётган ходимларнинг участкада ишлаганлик устама фоизлари, иш стажи тўловлари олиб ташланди. Ходим шу иш кўламини бажараётган бўлса, ҚВП деб номи ўзгаргани билан уларнинг олдинги тўловлари йўқ бўлиб кетаверадими?*

*3. ШТЁ бўлими шифокорлари — хирург, терапевт, педиатр ставкалари, тунги навбатчилик, жадвал асосида дам олиш ва байрам кунлари турган навбатчиликлар тўлови қандай амалга оширилади?*

**Каримбой АБДУЛЛАЕВ,**
**Питнак шаҳар тиббиёт бирлашмаси касаба уюшма қўмитаси раиси**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 11 февралдаги 60-сон қарори билан тасдиқланган «Ходимларга уларнинг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда жароҳатланиши, касб касалликларига чалиниши ёки саломатликнинг бошқа хил шикастланиши туфайли етказилган зарарни тўлаш қоидалари»га кўра:

— жабрланувчининг меҳнат жароҳати туфайли меҳнатга лаёқатсизлик даражаси Тиббий-меҳнат экспертиза комиссияси (ТМЭК) томонидан белгиланади;

— ходим касб касаллиги аниқлангунга қадар олган ўртача ойлик иш ҳақига нисбатан фоиз ҳисобида белгиланади ва ҳар ойда тўланади;

— ходим ўз меҳнат вазифасини бажариш билан боғлиқ ҳолда касб касаллиги тўғрисидаги тиббий хулоса иш берувчининг айби ёки жавобгарлигини исботлайдиган ҳужжат ҳисобланиб, етказилган зарарни иш берувчи томонидан тўланиши учун асос бўлиб хизмат қилади;

— касб бўйича меҳнатга лаёқатсизлик даражасини белгилаш билан бир вақтда, ТМЭК асослари мавжуд бўлганда, ногиронликнинг тегишли гуруҳи белгиланади ҳамда жабрланувчининг қўшимча ёрдам турларига бўлган муҳтожлиги аниқланади;

— иш берувчи жабрланувчига меҳнат жароҳати туфайли қилган қўшимча харажатларини ҳам тўлашга мажбурдир. Тўланадиган бундай харажатларга даволаш, протезлаш, қўшимча овқатланиш, дори-дармонлар сотиб олиш, санаторий-курортда даволаниш, шу жумладан, жабрланувчининг даволанадиган жойга бориш ва келиш йўл харажатлари, зарур ҳолларда эса, кузатиб борувчи шахснинг ҳам йўл харажатлари, махсус транспорт воситаларини сотиб олиш ва бошқа турли ёрдам харажатлари киради (агар у ТМЭК томонидан ёрдамнинг ушбу турларига муҳтож деб топилган бўлса). Ёрдамнинг бир нечта турларига муҳтож бўлган жабрланувчига ёрдамнинг ҳар бир турини олиш билан боғлиқ харажатлар тўланади;

— дори-дармонлар сотиб олиш учун қилинган харажатлар даволовчи шифокор томонидан ёзиб берилган белгиланган шаклдаги рецепт ҳамда пул тўланганлиги тўғрисидаги чек тақдим этилганда, иш берувчи томонидан жабрланувчига тўланади;

— жабрланувчининг санаторий-курортда даволанишга муҳтожлиги ҳақида ТМЭК хулосаси мавжуд бўлган тақдирда, унга ҳар йилги меҳнат таътилидан ташқари, даволаниш учун қўшимча таътил берилади. Даволаниш учун берилган таътил вақти учун тўлов ҳар йилги таътил тўлови учун белгиланган қоидаларга мувофиқ амалга оширилади. Даволаниш давридаги зарарни тўлаш умумий асосларда амалга оширилади;

— йўқотилган иш ҳақи(даромади)ни тўлашда зарарни тўлашнинг бошқа турларидан ташқари, иш берувчи жабрланувчига бир йўла бериладиган нафақа тўлайди;

— ходим соғлиғига етказилган зарар билан боғлиқ ҳолда иш берувчи томонидан тўланадиган бир йўла бериладиган нафақа миқдори жабрланувчининг бир йиллик иш ҳақидан кам бўлмаслиги керак.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 21 декабрдаги 276-сонли «Тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорининг 2-иловаси 24-бандига мувофиқ қишлоқ врачлик пунктлари врачларига, қишлоқ жойлардаги амбулаториялар ва участка касалхоналари врачларига узлуксиз ишлаган биринчи уч йил учун ва ҳар бир кейинги икки йил учун тариф ставкасига нисбатан 10 фоиздан миқдорда белгиланади, устаманинг энг кўп миқдори 50 фоизни ташкил этади. Мазкур илованинг 25-бандига асосан, барча соғлиқни сақлаш муассасаларида хизмат қилаётган ўрта ва кичик тиббиёт ходимларининг узлуксиз иш стажи учун устама 5 фоиздан 20 фоизгача этиб белгиланган.

3. Меҳнат кодексининг 157-, 158-моддалари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 21 декабрдаги 276-сонли «Тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори 2-иловасининг 23-бандига мувофиқ тунги вақтда, дам олиш ва байрам кунларидаги ишлаган ҳар бир соат учун тариф ставкасининг 50 фоизи миқдорида қўшимча ҳақ тўланади.

*Туман тиббиёт бирлашмаси кадрлар бўлими томонидан тасдиқланган ҚВП ҳамшираси З.А.нинг 1985 йилдан буён ишлаб келаётганлиги ҳақидаги маълумотномага асосан унга узлуксиз иш стажи учун 20 фоизли устама тўлаб келдим. Яқинда туман молия бўлимига кадрлар бўлими берган маълумотномада эса ҳамширанинг 1996 йилдан буён ишлаётганлиги кўрсатилган. Маълум бўлишича, ходим 1993 йилдан 1996 йилгача ногиронликка чиққанлиги сабабли меҳнат шартномаси бекор қилинган экан. Энди ортиқча тўланган 200 минг сўмдан ошиқ пулни ходимдан ундириб беришимни талаб қилишмоқда. Шу тўғрими?*

**Ю.ТАҒОЕВ,**
**Узун туманидаги ҚВП ҳисобчиси**

Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 21 декабрдаги «Тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори билан тасдиқланган «Тиббиёт ва фармацевтика ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тартиби ва шартлари тўғрисидаги Низом»нинг 3-иловасида «Тиббиёт ва фармацевтика ходимларининг мутахассислиги бўйича узлуксиз иш стажини ҳисоблаб чиқариш Тартиби» келтирилган. Мазкур Тартибга асосан ходимнинг меҳнат дафтарчаси мутахассислик бўйича иш стажини аниқлаш учун ҳужжат ҳисобланади.

Тартиб талаблари бўйича тиббиёт ходимларининг 2006 йилнинг 1 январигача иш стажида бўлган танаффуслар узилиш деб ҳисобга олинмайди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 21 декабрдаги «Тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори билан тасдиқланган Ңизом ҳамда унинг иловалари орқага қайтиш (2006 йилдан олдин юзага келган меҳнат муносабатларига таъсир этиш) кучига эга эмас.

*Тиббиёт бирлашмамизда аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишда бевосита қатнашувчи электрик, сантехникларга иш ҳақи уларнинг ишлаб чиқариш соҳасида олган хизмат разрядларини ҳисобга олган ҳолда тўланадими?*

**А.ИБОДУЛЛАЕВ,**
**Беруний тумани тиббиёт бирлашмаси касаба уюшма қўмитаси раиси**

Соғлиқни сақлаш тизимида ишлаётган электромонтёр, монтажник (сантехник) ходимларга уларнинг ишлаб чиқариш соҳасида олган разрядлари ҳисобга олиниб, меъёрий ҳужжатлар асосида тизимда мазкур ходимлар учун ўрнатилган разрядлардан юқори бўлмаган ҳолда иш ҳақи тўланади.

**Соҳа вакилларининг таҳририятга йўллаган саволларига тўлиқ жавоб олиш мақсадида Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши раиси Н.АКБАРОВга мурожаат қилгандик. Қуйида Марказий кенгаш мутахассислари томонидан мазкур саволларга берилган жавобларни эътиборингизга ҳавола этамиз:**

*1. Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Уставининг 3.4-бандида уюшма аъзолари ўзи ва оила аъзолари учун санаторийларга, дам олиш сиҳатгоҳларига ва бошқа масканларга имтиёзли йўлланма олиши мумкин, дейилган. Шунга кўра, мен ўзим ва қарамоғимдаги қари отам ёки онамга, бошқа оила аъзоларимга имтиёзли йўлланма олишим мумкинми? Ҳозирги кунда имтиёзли йўлланма фоизи қандай тартибда белгиланган?*

*2. «Ishonch» газетасининг 22.04.2010 йилдаги 49-сонида Директор жамғармаси ва ундан фойдаланиш ҳақида яхшигина маълумот берилган. Унда ходимни рағбатлантириш «Бир лавозим маошигача миқдорда» деб ёзилган. Агар ўқитувчи 22 соат она тили ва адабиёт фанларидан дарс берса, синф раҳбарлиги бўлса, мукофот тўлашда бу ҳисобга олинадими?*

**Мунир ОМОНОВ,**
**Марҳамат тумани**

1. Савол муаллифининг ота-онаси ишловчи пенсионерлар бўлса, улар иш жойидан санаторийга имтиёзли йўлланма олишлари мумкин. Ҳозирги кунда имтиёзли йўлланманинг қисман қиймати йўлланма нархининг 50 фоизини ташкил этади.

2. «Умумтаълим муассасаларининг ўрнак кўрсатган ходимларини рағбатлантиришнинг директор жамғармаси тўғрисида Низом»нинг 20 бандида: «Умумтаълим муассасаларининг ўрнак кўрсатган ходимларини бир марталик мукофотлаш уларнинг умумтаълим муассасасини ривожлантиришга қўшган шахсий ҳиссаси ва ўз фаолиятида юқори кўрсаткичларга эришганлиги учун уларга бир лавозим маошигача миқдорда мукофот тўлаш йўли билан амалга оширилади» дейилган, демак, тарификация бўйича неча соат бўлса, шу миқдорда мукофот тўланади.

**Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт бўлими**



**Бизнинг интервю**

*БМТнинг Бош Ассамблеяси 2010 йилни Халқаро биологик хилма-хиллик йили, деб эълон қилди. Хўш, ушбу масалада республикамизда қандай ишлар амалга оширилаяпти? Республика Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси давлат бионазоратининг ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан оқилона фойдаланиш бўлими бошлиғи Ўлмас Собиров билан суҳбатимиз шу ҳақда.*

# «Қизил китоб»га киритилган

— Маълумки, ўсимлик дунёси инсоният ҳаётида муҳим ўрин тутади, — деди суҳбатдошимиз. — Шаҳарлардаги дарахтзорлар ёзда ҳаво ҳароратини 3-4 даражага пасайтиради. Ҳаво таркибидаги 60-85 фоиз турли хил газ ва чангдан тозалайди ҳамда шовқинни 10-12 ДБ гача сусайтиради. Шунинг учун ҳам экологик муҳитни янада барқарорлаштириш, аҳоли яшайдиган шаҳар, қишлоқлар ҳамда саноат корхоналари жойлашган ҳудудларни экоободонлаштиришга жиддий эътибор берилмоқда.

Ўзбекистон ўзининг биологик хилма-хиллик ресурсларини сақлаш мақсадида 1995 йилда Халқаро конвенцияга қўшилди. Шунга асосан «Биологик хилма-хилликни сақлаш Миллий стратегия ва ҳаракат режаси» ишлаб чиқилди. Унга кўра, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни 5,6 фоиздан 10 фоизга ошириш кўзда тутилди.

***— Миллий стратегия ва ҳаракат режасини амалга оширишга доир фаолият хусусида сўзлаб берсангиз.***

— Аввалambor барча вилоят, туманларда мавжуд 114 дона ёши юз ва ундан ошган табиий, ёввойи ҳолда ўсаётган дарахтлар аниқланиб, муҳофазаси кучайтирилганлигини ҳамда уларга «Давлат табиат ёдгорлиги» мақоми берилганлигини таъкидлашни истардим.

Шунингдек, республика Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитасининг буйруғи билан тасдиқланиб, белгиланган тартибда Адлия вазирлигида рўйхатга олинган «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ов қилиш ва балиқ тутиш қоидалари» ва шунга ўхшаш соҳага оид қатор йўриқномалар ишлаб чиқилиб, амалда татбиқ этилди.

Бундан ташқари, Президентимизнинг 2006 йил 17 апрелдаги «Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ республика Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитасининг «Ўзбекистонда экологик туризмни ривожлантириш концепцияси» ҳам иш кўламини ривожлантиришда дастуруламал бўлаётир.

***— Экотуризм ҳам ўзига хос бир йўналиш. Қайси ҳудудлар туристлар бориб кўрадиган жой ҳисобланади?***

— Ўзбекистон Марказий Осиёнинг қоқ марказида, экотуризмнинг ривожланиши учун қулай транспорт-географик ареалда жойлашган ва турли транспорт ҳамда транспорт коммуникация алоқа йўллари билан боғланган бўлиб, ўзининг халқаро туризм салоҳияти бўйича жаҳонда олдинги ўринлардан бирини эгаллайди.

Табиат масканларида, масалан, Бухоро вилоятида экологик туризмни ривожлантириш мақсадида мавжуд «Жайрон» экомарказига яқин 27300 гектар майдонда Марказий Осиёда кам учрайдиган ноёб жуфт туёқли ҳайвонларни (жайрон, бухоро қўйи, бухоро буғуси) сақлаш ва кўпайтириш ҳамда уларни ҳимоя қилинган ареал ҳудудлар (қўриқхоналар, миллий боғлар, муҳофаза қилинган табиий ҳудудлар)га қайтариш бўйича бир қатор изланишлар олиб борилаётир. Бундан ташқари, Тошкент шаҳридан 100 км. жануби-шарқда ёввойи ҳайвон турларини махсус кўпайтиришга ихтисослаштирилган «Сайхун» хўжалиги бўлиб, у шимол, шарқ ва жануб томондан кўл билан чегараланган. Бу ердаги тўнғиз, чия бўри, қирғовул, ёввойи ўрдак ва бошқа сувда сузувчи ёввойи қушлар, балиқлар табиий шароитда яшаши учун кўп ишлар қилинаяпти. Айни пайтда ёввойи ўрдаклар кўпайтирилиб, табиатга қўйиб юборилмоқда. Шу кунларда йўқолиб кетиш хавфи бўлган жуфт туёқли ҳайвонларни сақлаш ниятида парваришхона қуриб биткАзилиш арафасида.

Айтиш лозимки, «Сайхун» экотуристларнинг табиатга сайёҳатини уюштириш учун жуда қулай жой. Чунки бу ерда нафақат юқорида айтиб ўтилганлар, балки жуда камёб бошқа ҳайвонлар ҳам кўпайтирилаяпти. Шундай масканлардан яна бири Сурхондарё вилоятининг Жарқўрғон туманидаги «Оқ тепа» табиат боғи. У миграция қилувчи, яъни, ёввойи ўрдак ва сувда сузувчи қушларнинг вақтинча дам олиб, тўхтаб ўтадиган қўналғасидир.

***— «Қизил китоб» ва унинг нашри хусусида маълумот берсангиз?***

— Ноёб, камайиб бораётган ҳайвон ва ўсимлик турларини асраб қолиш мақсадида «Қизил китоб» доимий равишда янгиланиб бораётир. Унга киритилган ўсимлик ва ҳайвонот дунёси жиддий муҳофаза қилинмоқда. Масалан, 2006 йилда нашр этилган «Қизил китоб»да ўсимликларнинг 305 тури ва ҳайвонларнинг 184 тури киритилган. Табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси қошида ташкил этилган «Қизил китоб»ни юритиш бўйича комиссиянинг 2008 йил 5 мартдаги йиғилишида «Қизил китоб»даги айрим ўсимлик ва ҳайвон турлари сонини янада ошириш лозимлиги эътироф этилди. Жумладан, «виктор омонқораси», «мадор» каби ўсимликлар камёб турлар рўйхатидан (2) камайиб бораётган турлар (3) рўйхатига ўтказилди. Ҳайвонлардан «кичик қоравой», «туркистон мўйловдор балиғи»нинг ўсиш ва яшаш ареаллари кенгайиб бораётганлиги таъкидлаб ўтилди.

Географик ахборот тизимлари (ГАТ)ни қўллаб, табиий ресурслар давлат кадастри ишлари давом эттирилди. Сурхондарё вилоятининг Тожикистон алюминий заводига қўшни ҳудудларида атмосфера ҳавосига чиқариб ташланаётган ифлослантирувчи моддалар таъсиридаги ўсимлик ҳамда ҳайвонот дунёсининг ҳозирдаги ҳолати ўрганилмоқда. Бухоро вилоятининг Тўдакўл, Ҳадича, Зикри сув ҳавзаларидаги қушлар ҳисобга олиниб, қишлайдиган қушлар сонининг кескин камайиб кетганлиги қайд этилди. «Жайрон» экомарказида қишловда нобуд бўлган ҳайвонлар бўйича остеологик маълумотлар тўплаш, Мензбир суғури муҳофазасига доир Ангрен платосида текшириш ишлари; Тошкент вилоятида камёб ва овбоп қушлар турлари бўйича кадастр тадқиқотлари ўтказилди. «Ҳисор қўриқхонаси» атрофида умуртқали ҳайвонлар, «Далварзин» овчилик хўжалигида қирғовуллар ҳисобга олинди. Пировардида, қирғовуллар сонининг 15900 тага етганлиги маълум бўлди. Фарғона водийси табиий ўсимликлари ва ер усти умуртқалилар фаунаси инвентаризациядан ўтказилди. Глобал миқёсда йўқолиб кетиш хавфидаги қуш тури — стерхнинг Ўзбекистон ҳудудидан учиб ўтиш йўлини аниқлаш ниятида иккинчи Халқаро экспедиция ўтказилди.

«Жайрон» экомарказида бир бош бурама шохли эчки, 10 бош бухоро қўйи боқилаяпти. Қоплонларни табиатга яқин муҳитда сақлаш дастури ишлаб чиқилиб, Москва ҳайвонот боғидан бир жуфт ёш қоплон келтириш бўйича музокаралар олиб борилмоқда.

***— Содир этилаётган ҳуқуқбузарликлар ва уларга қарши қурилаётган чора-тадбирлар хусусида ҳам тўхталиб ўтсангиз?***

— Афсуски, кўнгилга ҳиралик солувчи ҳолатлар ҳам йўқ эмас. Ўтган йил давомида 6996 та қонунбузарлик ҳолати аниқланди ва уларга нисбатан 159956,4 минг сўм миқдорида жарима солиниб, шундан 158419,7 минг сўм ундирилди. Айнан шунинг учун ҳам тарғибот-ташвиқот ишларига тобора катта аҳамият қаратилмоқда.

Она табиат барчамизники. Модомики шундай бўлгач, уни асраб-авайлаш ҳам шунга яраша эътиборни тақозо этади. Бунинг учун кучларни бирлаштириш керак холос.

**Шарофат НОРҚУЛОВА,**
**«Ishonch» мухбири**

**Китоб жавонингизга**




**«...Кутилмаганда дарахтлар орасидан қашқирнинг ҳириллоқ товушда увиллагани эшитилди. Биз эҳтиёткорлик билан дарахтлар оралаб борарканмиз, ёлдор бўрининг ёнида бир нечта йиртқич чўнқайиб ўтирганини гувоҳи бўлдик...».**

## Саргузашт ишқибози

Табиатдаги сирли ҳодисалар, тажовузкор ва йиртқич махлуқлар билан боғлиқ ҳикоялар ҳар қандай ўқувчини ҳаяжонга солади. Аммо бундай саргузаштларни ҳар ким ҳам бошдан кечирмайди. Бунга имкон бўлган тақдирда ҳам юраги бетлайвермайди. Ҳаётини хавф остига қўйиб, хилват жойларда юриш учун эса ҳақиқий саргузашт ишқибози бўлиш керак. Шундай одамлардан бири газетамизнинг фаол муаллифи жиззахлик Абдулла Саидовдир. Асл касби ўқитувчи бўлган Абдулла ака табиат шайдоси. Нурота тоғ тизмаларининг ҳар бир қаричи унга яхши таниш. Шунинг учун ёзган асарларида овчилар табиатни мунтазам кузатиб бормоғи, ундаги барча тирик мавжудотларни севиб эъзозламоғи лозимлигини қайта-қайта уқтиради. «Овчи — милтиқ чақмоғини босиш учун имконият туғилганда ҳам ўйлаб босади, бекордан-бекорга тирик жонзотларни нобуд қилавермайди», — дейди у.

Абдулла ака кўпдан ҳайвонот дунёси ҳақида ёзган ҳикояларини матбуотда эълон қилиб келарди. Яқинда ҳикоялари жамланиб, «Овчи саргузаштлари» номи билан нашрдан чиқди (Тошкент, «O'zbekiston» — 2010). Ушбу китобга киритилган ҳикояларда муаллифнинг ҳайвонот оламига бўлган меҳри сезилиб туради. Мўъжазгина тўплам китобхонларга манзур бўлишига ишонамиз.

**Абдулатиф АБДУЛЛАЕВ,**
**«Ishonch» мухбири**

Ishonch 2010-yil 8-iyul № 81 (2808)

**Кейинги пайтда жаҳон оммавий ахборот воситаларида «Кремний водийси» деган жумла тез-тез тилга олинмоқда. Хўш, номи ажабтовур бу «водий» қаерда жойлашган? Нега бундай номланган ва турмушимизга қандай таъсири бор? Табиийки, азиз ўқувчи, сизнинг кўнглингизда ҳам шундай саволлар туғилган бўлса керак. Қуйида ушбу саволларга жавоб топасиз.**




# «Кремний водийси» нима?




### Нега «Кремний»?

«Кремний водийси» — АҚШнинг Калифорния штатидаги маълум бир ҳудудга берилган шартли ном бўлиб, бу атама илк бор 1971 йили америкалик журналист Дон Хофлернинг «Электроника янгиликлари» журналида чоп қилинган «АҚШнинг кремний водийси» номли мақоласида қўлланган. Ҳудудга бундай ном берилишига эса ўша пайтда ихтиро қилиниб, асосан кремний моддасидан ишлаб чиқарила бошланган яримўтказгичлар ва бошқа электроника маҳсулотлари саноати сабаб бўлган.



### Ҳудуди ва асос солиниши

«Кремний водийси» Калифорниядаги Сан-Франциско шаҳрининг жануби-шарқидан Санта-Клара водийсигача бўлган ҳудудни ўз ичига олади. Аввалари аҳолиси фақатгина қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш билан шуғулланган бу ҳудуд бугунги кунда Сан-Франциско қўлтиғидан то Сан-Хосе шаҳригача чўзилган, информацион технологиялар соҳасида фаолият юритаётган дунёнинг йирик фирмалари жойлашган шаҳарлар занжиридан иборатдир.

Ҳудудга асос солиниши ва унинг ривожланишига Пало-Алто шаҳрида очилган, 1940 йилдан бошлаб электроника соҳасида жиддий изланишлар олиб бораётган машҳур Стэнфорд университети сабаб бўлди. Водийдаги компютер саноатига оид илк йирик завод машҳур IBM фирмаси томонидан 1956 йилда Сан-Хосе шаҳрида қурилган. Водийдаги оддий фуқаролар томонидан очилган илк тижорат фирмаси эса бугунги кунда ўз маҳсулотлари билан кўпчилигимизга яхши таниш бўлган HP — «Hewlett-Packard» фирмаси бўлди.

### Дунё электрон маркази ёки «Мўжизалар мамлакати»

Кейинги қирқ йилдан ортиқ давр мобайнида «Кремний водийси» дунё электроника ва компютер саноатининг маркази даражасига етди. 1970-198О йилларда бу ерда яримўтказгичлар саноати билан шуғулланаётган корпорациялар ва уларнинг кўпсонли заводлари фаолият юритди. 1990-йилларга келиб бу корпорациялар фаолиятида информацион технологиялар соҳасида изланишлар ва янгича технологияларни ишлаб чиқиш, шунингдек, компютер техникаси ва дастурий таъминоти яратиш ҳамда мобил қурилмалар ишлаб чиқаришга эътибор кучайди.



Ҳозир «Кремний водийси»да 2,43 миллион одам яшайди ва уларнинг 25 фоизи юқори технологиялар соҳасида фаолият юритади. Компютер технологиялари ишқибозлари бу ерни кўпинча «Мўжизалар мамлакати» деб ҳам аташади.

Бугунги кунда водий Ист-Пало-Алто, Купертино, Кэмпбелл, Ливермор, Лос-Алтос, Лос-Алтос-Хилз, Лос-Гатос, Маунтин-Вью, Милпитас, Мэнло-Парк, Ньюарк, Пало-Алто, Плезантон, Редвуд-Сити, Сан-Хосе, Саннивейл, Санта-Клара, Санта-Круз, Саратога, Скотс-Вэли, Трейси, Фримонт, Юнион-Сити каби ўттизга яқин шаҳарни ўз ичига олади. Шунингдек, бу ерда Стэнфорд, Карнеги Меллон, Санта-Клара, Сан-Хосе каби дунёга машҳур университетлар жойлашган.

Ҳозир водийда 7 мингга яқин компютер қурилмалари ва дастурий таъминоти ишлаб чиқарувчи компаниялар фаолият юритади. Нашриёт соҳасига оид дастурлари ҳамда машҳур «Photoshop» дастури билан кўпчиликка яхши таниш бўлган «Adobe Systems» фирмаси, персонал компютерларга микропроцессорлар ишлаб чиқарувчи «Intel» фирмаси, «Макинтош» компютерлари ва машҳур «iPhone» қурилмаси ишлаб чиқарувчиси «Apple» компанияси, тармоқ технологиялари бўйича дунё етакчиси «Cisco» фирмаси, «eBay» интернет аукциони, машҳур «Google» ва «Yahoo» корпорациялари, NVIDIA, AMD каби микроқурилмалар ишлаб чиқариш етакчилари шулар жумласидандир.



### «Миллионерлар водийси»

Статистик маълумотларга қараганда, ҳозирги пайтда сайёрада рўй бераётган глобал компютерлаштириш жараёни «Кремний водийси» аҳолисига мисли кўрилмаган даражада даромад келтирмоқда. Шу ўринда айтиш мумкинки, АҚШдаги миллионерларнинг кўп қисми айнан шу ҳудуддаги шаҳарларда истиқомат қилади. Шунинг учун бу жойни «Миллионерлар водийси» деб атаса ҳам бўлади.






### Дунё иқтисодидаги ўрни

Сир эмаски, сўнгги йилларда дунёда рўй бераётган информацион инқилоб нафақат АҚШ, балки бутун дунё иқтисодини ҳаракатлантирувчи кучлардан бири ҳисобланади. Ҳозирги кунда АҚШда саноатнинг 45 фоизи компютер қурилмалари ва яримўтказгичлар ҳисобига ўсмоқда. Албатта, бунда дунёнинг йирик информацион технологиялар компаниялари жойлашган «Кремний водийси»нинг ҳиссаси катта.




### Ривожланиш сири нимада?

Кремний водийси қандай қилиб сайёрадаги муҳим нуқталардан бирига айланди? Бу қадар машҳурликнинг сири нимада? Қандай қилиб оддий ер юқори технологиялар марказига айланди? Бу саволларга бир сўз билан жавоб бериш қийин. Чунки жавоблар кўп ва бир-бирини тўлдиради. Шундай қилиб, бу ерда:

— қобилият қобилият билан, илм илм билан, капитал эса капитал билан тўқнашади;

— одамлар ўзларининг «телбавор» ғоялари сабаб бошқаларга аҳмоқ бўлиб кўринишдан қўрқмайди;

— янгилик ўйлаб топиб, шу янгиликка пул тикишдан қўрқишмайди;

— одамнинг миллати эмас, қандай мутахассислиги, ўз кучига ишониши ҳамда ғоялари учун кураша олиш-олмаслиги муҳим;

— кунига 24 соат ишлашга ҳаракат қилишади;

— бўлиши мумкин бўлган ва бўлмаган ҳодисаларга доимо кўтаринкилик билан ёндашишади.

Ва яна шуниси аниққи, агар нисбатан кичик бир ҳудудда кўпсонли юқори малакали мутахассислар — олимлар, инженерлар, тадбиркорларнинг боши бирлаштирилса, у ҳолда албатта натижа мўъжизакор бўлади.

**Интернет маълумотлари асосида Жаҳонгир ЮНУСОВ тайёрлади**

# ЭР — ОИЛА ҚЎРҒОНИ БЎЛСИН!



***Яхши ниятлар билан бир хонадонга келин бўлиб бораётган қиз келгусида орзу-умидларидан, қариндош-уруғларидан воз кечиши керакми? Сир эмас, кўп холларда уларнинг бундай вазиятга тушишига қайноналар сабабчи бўлади.***

Турмуш ҳақида фарзандларидан кўра кўпроқ тасаввурга эга бўлган қайнона-қайноталар нега бундай йўл тутишади? Уларнинг хизматини югуриб-елиб қилаётган келин оиласининг тинчини бузмаслик, эрининг меҳрини сўндирмаслик учун қариндош-уруғининг тўйларига, оилавий йиғинларига, ҳатто маъракаларига «рухсат берилмагани» сабабли бора олмаслиги унинг оилада ҳеч қандай ўринга эга эмаслигини англатмайдими? «Қарс икки қўлдан чиқади» мақолини кунда такрорлайдиган қайнона нима сабабдан келинининг, қуда-андаларининг олдидаги бурчини унутиб қўяди? Бу саволларга жавоб топа олмаганим учун ҳаммасини қоғозга туширишга қарор қилдим.

Тўй ҳам бўлиб ўтди. Келин-куёв янги ҳаёт бошлади. Кунлар ойларга уланиб, ниҳоят, орзиқиб кутилган фарзанд дунёга келди. Ишлари янада кўпайган келинчак энди ҳаммасига улгуриш учун астойдил ҳаракат қиларди. Бола баҳона қилиниб, қариндош-уруғларнинг тўй-ҳашамлари, маъракаларига рухсат берилмади. «Майли, болам сал катта бўлсин, кейин борарман» деб ўзини овутиб яшади. Бу орада иккинчи фарзанд ҳам туғилди. Болалар кўп касал бўлиб қолишар, онаси бечора ошхонадан чиқа олмагани, кирчирдан ортиб фарзандларига яхши қарай олмаётгани учун ўзини койирди. «Келин туширган куним қўлимни ювиб, қўлтиғимга урганман» қабилида иш тутаётган қайнона ҳеч бир юмушда келинига ёрдам бермасди. Телевизор кўришдан бўшамас, телефондан ортмас, камига келинини буйруқлари билан сарсон қиларди. Келин томондан қариндошлар таклифнома кўтариб келган кун уйда жанжал бўларди. Ўғлини кутиб ўтириб келинини роса ёмонлар, «Болалар ҳали кичкина, тўйда нима бор?», «Тўйга борса тугун қилиш керак» деб доим йўққа чиқарарди. Келин бечора касал бўлиб қолса, иккита боласи билан онасиникига жўнатилар — на дори-дармон билан таъминланар, на хабар олинарди. Шу тариқа ҳаёт давом этарди.

Мана энди болалар боғчага борадиган бўлишди. Келин ҳам бола парваришидан бироз бўшаб, ишга чиқди. Қайнона «Хотининг ишлаши шартмас, уйни эпласин» деб доим ўғлини қайрар, келинининг қилган ишларидан камчилик қидирар, ёлғондан касал бўлиб ётиб оларди. Мана, яна келин томондан тўйга таклифнома келди. Орада ҳали бир ҳафта борлиги учун қайнона жим юрди. Тўйга бир кун қолганда катта жанжал кўтарилди. Тўйга боришга рози бўлиб турган ўғил онасининг бу ҳаракатларидан қўрқдими, хуллас, тўйга яна «рухсат» бўлмади. Аввалари бола баҳона қилинарди. Энди-чи? Келинга бу қаттиқ алам қила бошлади.

Беш йил давомида хонадоннинг барча юмушларини бажариб, қариндош-уруғидан ажралиб қолган келин барибир яхши номини олмади. Энди у ўзи, фарзандлари учун яшаши кераклигини англади. Ҳозир қайнонага ортиқча мулозамат қилмайди. Тўй куни ширин ваъдалар бериб, уддасидан чиқа олмаган эридан ҳам ҳафсаласи пир бўлган. Қайнота ҳақида гап ҳам юритмадик, чунки унинг бу оилада худди келин каби ҳеч қандай ўрни йўқ. Қайнонанинг ғийбатини жон қулоғи билан эшитиб ўтирган, вақтида уни маъқуллаган, ҳатто ўғлига «хотинингни уриб туришинг керак» деб ақл ҳам ўргатган эркак оилани бошқариш, уни мустаҳкамлаш ўрнига келинини неваралари билан ҳайдаса, келин бечоранинг ўзини ҳимоя қилишдан бошқа иложи қолмас экан.

Оилада эркак киши раҳбар бўлмаса, тарқоқлик, парокандалик юзага келади. Шунинг учун, муҳтарам эркаклар, сизлардан бир ўтинчим бор: оилани сақлаб қолишда аввало эркак киши масъул бўлиши керак. Бўлар-бўлмас гаплар ҳурматнинг йўқолишига олиб келади. Жамиятимизнинг бир бўлаги бўлган оилангизни мустаҳкам қўрғон каби ҳимоя қилинг.

**Нигора СОЛИҲОВА**

# Бировнинг омонати



Мол бозоридан чиққан Дилмурод муаллим оёғи тагида ётган тугунни кўриб, эгилиб олди. Пулга ўхшайди, кимдир тушириб қолдирган бўлса керак.

Тракторнинг панасига ўтиб тугунни очди. Ҳа, пул экан, нақд уч юз эллик минг...

Тугунни қўйнига солиб, чойхона томон юрди ва самовар ёнидаги таниш чойхоначига пул топиб олганини, кимдир йўқотган бўлса, уйида бўлишини тайинлаб, жўнаб кетди.

Эртасига мактабдан қайтаётиб дарвозаси ёнида турган икки йигитни кўриб, ҳойнаҳой, ўша пулларнинг эгаси бўлса керак деб ўйлади ва улар билан кўришди. Йигитларнинг новчароғи оҳиста деди:

— Домла, бозорда пул топиб олибсиз. Манави Туроб қассобнинг ўғли, иккита эчки сотиб пулини йўқотиб қўйди.

— Пул қанча эди?

— Адашмасам икки юз минг эди, қора салафан халтага ўрагандим.

Дилмурод муаллим йигитларнинг ёлғон сўзлаётганини сезди:

— Мен топган пул сизларники эмас, бориб бошқа бировни лақиллатинглар!

Ёлғони фош бўлган даъвогарлар индамай кетишди.

Муаллим ҳали йигирмага ҳам кирмаган йигитларнинг бунчалик паст кетишини кўриб аччиқланди.

Эртасига мактабда янгиликлардан доим биринчи бўлиб хабар топадиган Ашир муаллим бир гап айтди.

— Туроб қассобнинг кенжа ўғли бозорда қимор ўйнаб, иккита эчкининг пулини ютқазибди...

Муаллимни шундан кейин ҳам «пулини йўқотган»лар безовта қилиб турди.

Ҳатто тузук одам деб юрган Шавкат таксичи ҳам бир куни дов тўкиб келди. Аммо «имтиҳон»дан ўтолмай қайтиб кетди.

Ниҳоят, орадан бир ой ўтиб муаллимнинг уйига мотоцикл минган икки одам келди. Даштлик экан. Бири ўрта ёшли, иккинчиси ўғли бўлса керак, ёшгина.

Муаллим меҳмонларни уйга таклиф қилди.

Дастурхон устида меҳмон бозорда қўй сотгани, пулини қизил гарди рўмолга ўраганини, пуллар уч юз эллик минг эканини айтди.

Муаллим омонатнинг ҳақиқий эгаси топилганидан хурсанд бўлди, гўё елкасидан тоғ ағдарилгандек эди. У шкафдан тугунни олиб меҳмоннинг олдига қўйди.

Меҳмонлар қўярда-қўймай эллик минг сўм пулни суюнчи деб дастурхон четига ташлаб кетишди.

Хайрлашаётиб кекса киши муаллимнинг елкасига қоқди:

— Ҳалол, иймонли одам экансиз, барака топинг!..

Меҳмонларни кузатиб қайтаётган муаллимнинг ёнига невараси Шоҳида югуриб келди.

— Бува, суюнчи беринг, энам ўғил чақалоқ туғди!

Муаллим қувониб кетди. Энди унинг ўғил невараси бор, насиб бўлса, катта тўй қилади!

У дастурхон четидаги пулдан неварасига суюнчи берди ва бу хушхабарни тангрининг иноятидан билиб, шукур қилди.

...

Ит ҳуркитганми ёки бошқа бирор нарсадан ҳадик олганми, нима бўлсаям Норқул бобонинг ўғил тўйига деб боқаётган тўртта қўчқори қўрасидан чиқиб изсиз йўқолди.

Оила аъзоларининг қўйларни ахтариб бормаган жойи қолмади.

Ҳеч қаерда йўқ. Фақат эртаси куни зовур ёқасида эчкиларини боқиб юрган Тиркаш бобо гап айтди:

— Тўртта семиз қўй, иккитасининг пешонасида қашқаси ҳам борми?

Ҳайдар фермернинг тутзорига кирган экан! Норқул бобо Тиркаш бобога суюнчи ваъда қилиб тутзорга чопди. Йўқ. Сўнгра Ҳайдар фермернинг ҳовлисига ўтди.

Супада ёнбошлаб, аёли билан чой ичиб ўтирган фермер Норқул бобога салмоқлаб деди:

— Қўйларингизни кўрганим йўқ, қўрада эса ўзимизнинг қўйларимиз ётибди.

— Қўрага бир қарай, балки адашиб...

— Йўқ, ирими бор, бегонани қўтонга киритмайман!

Норқул бобо ҳафсаласи пир бўлиб кўчага чиқди. Шу пайт кимдир уни чақиргандек бўлди:

— Бува, қўйларингиз қўранинг янтоқ билан тўсилган бурчагида, фермер бувам қамаб қўйди. Фақат мени айтди деманг, — деди уйнинг орқасини супураётган келинчак.

Норқул бобонинг жаҳли чиқди. Шитоб билан яна ҳовлига кирди ва уй эгасининг ҳайҳайлашига парво қилмай қўрадан қўйларини ҳайдаб чиқди.

Қўйларни кўриб, Ҳайдар фермернинг эсхонаси чиқиб кетди:

— Мен кўрмабман, шумтака неваралар қамаб қўйишган экан-да, бу воқеани бировларга айтиб юрманг, илтимос...

Бозорда қўчқорларни яхшигина пуллаган Норқул бобо гапида туриб Тиркаш бобога калиш, Ойсулув келинчакка эса қимматбаҳо атир олиб қизидан бериб юборди.

Уч кун ўтиб, Норқул бобога кимдир айтди:

«Ҳайдар фермернинг хирсдай сигири бедапояда дамлаб, ёрилиб ўлибди».

— Тавба, — деди Норқул бобо ўзига ўзи, — дунёнинг ишлари қизиқ-да, бировнинг ҳақи бировга буюрмас экан-да...

**Ўролбой ҚОБИЛ,**
**Қамаши тумани**
**Гулистон қишлоғи**

# «Ўзбекистонга сафарим вақтга саёҳатдек эди...»



*Сўзнинг сохир кучи хеч қандай чегара билмайди. Шунинг учунми, адабиётнинг асил намуналари тиллардан-тилларга, диллардан-дилларга кўчиб бораверади. Бу ўринда таржимонларга раҳмат айтиш керак. Шу йилнинг 30 март куни пойтахтимиздаги Гёте институтида ўтказилган халқаро анжуманда ҳам бу ҳақиқат яна бир бор таъкидланди. Замонавий немис адабиётининг етакчи вакилларидан бўлган Женни Эрпенбек қаламига мансуб «Heimsuchung» («Макон истаб») асарининг муаллиф иштирокидаги тақдимоти кутилмаган воқеа бўлди. Китоб устидаги баҳслар Ғарбда айни қизиган вақтда ўзбек китобхонларида ҳам асар қаҳрамонлари билан мулоқот қилиш имконияти пайдо бўлган эди.*

*Асар муаллифи Женни Эрпенбек, таржимон Хафиза Кўчкорова ва бир неча мутахассисдан иборат гуруҳ Фарғона, Бухоро, Самарқанддаги адабий анжуманларнинг меҳмони бўлишди. Тадбирлар якунланди, ҳамма яна одатий ҳаётига қайтди. Бироқ бу одатийликни ватанимиз, ватандошларимиз шаънига айтилган қуйидаги сўзлар жаранги бузгандек бўлди. Женни хонимнинг эътирофларини кўпгина интернет сайтларидан ўқиш мумкинлиги эса кўнгилни алланечук фахрга тўлдиради:*

«...Ўзбекистонга сафарим одатдаги адабий сафарларимдан кўра кўпроқ аҳамият касб этувчи бир ҳодиса бўлди. Олис Берлиндан кузатилганда ушбу сафар бир нотаниш заминга саёҳатдек эди. Ҳаётимдан анча олисда бўлган бир ерда — минг бир кеча юрти ҳисобланмиш Шарқ деб юритилувчи бу жойларда ўқувчиларим бормикан деган ташвишда эдим. Аммо...

Сиз учун бахт нима? Сўнгги бор қачон алдагансиз? Адабиётга муҳаббати чексиз одамларни шу ерда топдим ва шу каби саволларимга жавоб изладим. Тенгсиз чирой очиб турган хиёбон ва боғ-роғларда сайр қилдим, худди Қоҳирадаги сингари-ю, бироқ суши тахтасида тартиб билан терилгандек кўзга ташланувчи зираворлар, нон, қушлар, гуллар, рўмолча, идиш-товоқлар... Харид қилса бўладиган бозорлар, сояларда шахмат ўйнаб ўтирган эркаклар, мактаб кийимидаги болалар, рўмолли ёки рўмолсиз аёллар ва ҳатто лўлилар, ишчи аёллар, савдогарлар, боғбонлар, сайргоҳга дам олмоқ истагида ташриф буюрганлар, чойхоналарда чойхўрлик қилаётганлар, шаҳарларда, кўча четларида ўтлаб юрган эшак, эчки ҳамда қўйларга кўзингиз тушади. Тоғларда ястаниб ётган оппоқ қорга, катта-катта балиқларга, оч кўк рангдаги панжараларга нигоҳим тушади, йўл бўйидаги сигирлардан бири катта йўлга ўтиш учун тўсиқдан ўтаётганини кўраман. Сотувчилар ўта чаққонлик билан бир даста пулларни санаётганларининг шоҳиди бўламан, озода кўчалардан ҳайратланаман, янги ёпилган нон мазасини туяман, гуллар ва боғлар чиройидан завқланаман, майдонлар ва ҳовлиларда бир-биридан назокати ила фарқланадиган, бошқа ҳеч қаерда дуч келмаганим — қуёшнинг заррин нури ва соя ҳукм сураётган гўзал сукунат қаърига чўмаман... Калиманг дилингдами? Бир тўй учун шунча харажат? Булар фақат шу ерда бор. Дарахтлар этагини ким оққа бўяб чиқди? Менга «бугун ҳашар» дейишди. Ҳашар деганларида ҳаммаёқ саранжом-саришта қилинаркан бу юртда...

Боғбоннинг меҳнати қанчалик оғир-а?..

Бир мадрасада аёллар иссиққина бўғирсоқ улашиб, шўрва тортиқ қиладилар. Бу ерликлар тилида айтганда «худойи» дейилади бундай тадбир. «Худойида пиширилган таомнинг мазаси яхши бўлмоғи лозим, руҳлар айнан шу исдан озиқланадилар», — дейишди менга. Бухоро тунида иморатлар одамлар билан бутунлай уйғунлашадилар. Мен тўқ сариқ матодан кўйлак кийиб олган аёл билан ўзбекча мусиқа садоси остида рақсга тушаман.

Таржимоним Ҳафиза билан Эскишаҳарнинг ўзгача чирой бериб турган лойдан қурилган уйларини кўрдик. Ўзбекистонда аёл эрини уйнинг устуни деб билиб, уни ҳамиша сизлайди, эр эса аёлига сен деб мурожаат этаркан. Фарзандлар ота-оналарини ҳамиша сизлайдилар. Оила бошлиғи — оталар улуғланади, уларнинг амри вожиб бўлади бу юртда. Мактаблардан бирида тадбирда бўлдик. Ўқувчилар бизни «Хуш келибсиз!» дея жўр овозда ва карнай садоси остида кутиб олдилар. Бу юрт қандай ажойиб юрт ўзи?! Ўзбекистонга сафарим ВАҚТга саёҳатдек эди назаримда. Бу юртда Европада минг йиллардан бери унутилган туйғулар ҳануз ҳукм сурмоқда. Бироқ буларнинг ҳаммаси бугун содир бўлаётгани — юртнинг ютуғи».

**Женни ЭРПЕНБЕК**

**Азиз ўқувчи! Қуйида юртимиз ҳақида тўлқинланиб ёзган Женни хонимнинг ўзбек заминига ташриф буюришига сабаб бўлган асаридан бир парчани эътиборингизга ҳавола этишни лозим топдик.**

# Олле Шулце

## («Макон истаб» романидан парча)



...Ҳедвиг эса бир дурадгор билан ўралашиб қолди. Бу ҳақда қўшниларидан эшитган оқсоқол ярим тунда унинг устахонасига бостириб кириб, қўлидаги ускунасини юлқиб олиб улоқтирганча пўписа қилади:

— Болта билан чопиб ташлайман сен муттаҳамни! Ўлдираман!

Устахонадан ўрмон четигача йигитни қувиб бораркан, унинг пиёнисталар каби «болта билан чопаман, ўлдираман» деб бақиришини бутун қишлоқ эшитди. Ҳедвигни эса томдаги балиқ ва гўштлар дудхонасига қамаб қўйди, у ерда эса шўрлик ҳомиласидан айрилди. Вақт ўтиши билан дудхонада нобуд бўлган ҳомила қон сингиб кетган гувалага айланиб қолди...

Эмма, оқсоқолнинг учинчи қизи, ўғил бўлганида худди отасининг ўзи бўларди. Отаси йўқ бўлган вақтларда унинг номидан иш кўради, қишлоқдаги муаммоларни ҳал қилади, хизматчи аёл ва эркакларни ишга тайинлайди, ўрмондаги дарахтларни кесиш дейсизми, дала юмушлари ва йилқиларни боқиш дейсизми, ҳаммасига бош-қош. Унинг турмушга чиқиши масаласи на оилада ва на қишлоқда тилга олинган.

Клара оиланинг кичик фарзанди бўлиб, унга тегажак мерос — чўпонлар яшайдиган тоғ ёнбағридаги ўрмон. Ўрмон бир тарафдан денгизга туташ, юқорида эса малиназор, ўнг томонда қадимги Варнак ўлкаси ерлари ва ниҳоят чап томонда бир деҳқоннинг ери. Бу ер ҳам аслида оқсоколга тегишли бўлганлиги учун анча йиллардан буён унинг жанжали тинмайди. Кларага тегишли ўрмон отаси учун кичик бир орол, уни ҳеч кимга бергиси йўқ. Шу сабабли унинг турмушга чиқиши ҳам мавҳумроқ эди-ю, бироқ...

Балиқчи йигит Кларанинг оролига келганида қиз унга нима дейишни билмасди. Йигит ҳам ҳеч нарса демасдан, қайиғини тўхтатиш учун арқонни унга улоқтирди, қиз арқонни тутқичга маҳкам боғлади. Айнан бугун Кларанинг оролда бўлиши бахтли тасодиф эди. Ҳедвиг билан бўлган воқеадан кейин отаси қизларини бирор марта ҳам от-аравага ўтқазмади. Бугун Клара бу ерга ёлғиз ўзи, пиёда, малина тергани келган эди. Ўзига тегишли бутазор, арча, қарағайлар орасида сувнинг товланишини кўриш учун тепадан пастга тушди.

Нотаниш балиқчи унга қўлини узатди, Клара йигитга қайиқдан тушиб олиши учун ёрдам берди. Йигит иккинчи марта қўл узатганида бу жойларни кўриш, қиз эса унга йўл бошлашини хоҳлаётганини англади. Тупроғи унчалик қора бўлмаган, ўтлоғи қуруқ ерда иккаласи жой топишди. Йигитнинг сочлари жиққа ҳўл, ундан томаётган сув елкасига тушарди. Елкасидан эса билакларигача оқиб, иккаласининг бармоқлари туташган жойгача етарди. Қиз балиқчи йигит билан холи қолиш мақсадида кимсасиз жой қидирди, бироқ ҳамма ер дам олувчилар томонидан банд қилинган, баъзилар соя-салқинда ором олар, бировлар тамадди қилар, кимлардир дарахтга суянганча тамаки тутунини ҳавога пуфларди. Одамлар сокин, шовқинсиз ўтиришар, бу эса хуш кайфият бахш этарди. Қиз негадир буни олдинлари сезмаган экан. Қуёш нури жилва қилаётган қарағай остида қуруқ ва қалин майса боғлам-боғлам бўлиб ўсарди. Қиз жойни кўздан кечириб, йигитни чақирди. Бу пайтда одамлар ўзлари билан олиб келган нон, олма, чала пиширилган тухумларини қайтадан саватларга жойлаб, халтачаларнинг оғзини маҳкам беркитиб, ўринларидан турардилар, дарахтга суяниб олганлари тамакиларини ерга улоқтириб, оёқлари билан босиб қўймоқда эди. Бирин-кетин ҳамма кета бошлади, бирортаси на Клара билан, на балиқчи билан саломлашди, ҳатто хайрлашишмади ҳам.

Йигит оқсоқолнинг ёш, ҳали турмушга чиқмаган қизининг тиззаларига бошини қўйди, қиз эса юбкаси билан унинг ҳўл сочларини қуритиш учун арта бошлади. Шундоққина эманларнинг орқасига, қайин тагига яна икки киши келиб жойлашди, аммо йигит ва қизни кўргач, изларига қайтиб кетишди...

Бошида Кларанинг опа-сингилларига ҳеч нарса сезилмади, ҳатто у бироз ўзгариб қолган бўлса-да. Қиз эрталаблари ўта илтифот-ла саломлашарди, гўё опалари бегона, гўё анчадан буён кўришишмагандек. Эртаси куни эса бунинг тамомила акси, опаларининг саломига бошини шунчаки қимирлатиб қўя қолади. Опалари ва ҳатто қишлоқ одамларини ҳам ҳайратга солгани Кларанинг чўчқахонадаги ахлатлар солинган челак билан остона ҳатлаб, уни ташлаш ўрнига бутун қишлоқни айланиб чиққани, қассобхона ва мактаб ёнидан ғишт заводи томонга ўтиб, у ердан қайрилиб тўғри қирғоққа ўтиши эди. Қадимги Варнак ўлкаси ўнг томондан Кларанинг ўрмонига туташ, қиз ўша жойларни ҳам кезарди. Қизининг у ерларда тентираб йигитни қидираётганини, майсазорга ўтириб, қайинга суянганча гоҳида ҳаво билан, гоҳо ўзи билан гаплашаётганини, баъзан эса бутунлай жим ўтиришини одамлар оқсоқолга етказишди. Отаси ташқарига чиқишни таъқиқлагач, ҳовлида беркиниб оладиган бўлди. У боғдаги бутазор ва дарахтлар орасига, ўриндиқлар остига бекинар, бочка ёки сандиқ ичига кириб оларди. Опалари ва хизматчи аёллар Кларани ҳовли ва боғдан қидирганлари-қидирган. Бекиниб олган жойида у ким биландир ё пичирлашиб, ё бақириб уришаётган бўларди, уни ўша ердан олиб чиқишса, бир муддат яна асл ҳолига қайтарди ва яна хушчақчақ қизга айланарди. Бир куни Грете омборхона эшигини очиб, супурги олмоқчи бўлса, Клара тор жойга кириб олиб унга қараб илжайиб қўйса бўладими, худди опасини шу ерда анчадан бери пойлаб тургандай. Яна бир гал эса тушлик пайти қўлини бўтқа идишига тиқиб олиб, уни ағдариб юборди, ўзи эса иссиқ бўтқа юқини ялаганча, эшикни тополмай қолди. Шунда ҳам фақат тиржаяр, бўлган ишдан жуда хурсанд кўринарди.

Бир қарашда оқсоқолникида овқат пайти жуда осойишта ўтарди. Узоқ вақт давомида бирор аёл ёки эркак оқсоқолникига хизматкор бўлиш учун шартнома туза олмаган, уникида ишлаш гўё шараф эди.

Опалари ўткир пичоқларни, хизматкорлар болталарини шкафларнинг тепаларига беркитиб қўйдилар... Отаси эса қизини хонасига қамаб, дераза ва эшикларга мустаҳкам тутқичлар ўрнатди, тунлари эса қизининг хонаси эшигини шахсан ўзи ташқаридан қулфларди. Кечалари бечора Клара, ҳа, оқсоқолнинг ўша кенжа, оққўнгил қизи ҳожат учун ажратилган тувагини тўнкариб, тинимсиз тақиллатарди.

Шундан кейин ҳеч нима содир бўлмади, Грете, Ҳедвиг, Эмма ва Клaралар улғайишди, оталари эса кексайиб қолди. Кларанинг ўрмонидаги қари қайиннинг шохлари кесилганини, унга таниш майсазорлар пайҳон бўлганини айтмаганда, деярли бошқа ҳеч нарса содир бўлмади. Қишлоқдагилар Кларани Олле Шулце деб атайдиган бўлишди, улар қизнинг оёқларига икки хил пойабзал кийиб олиб, баъзан эса пайпоқчан қассобхона, мактабдан то ғишт заводигача тентираб юришига, ундан у ёғига бора олмаслигига, қаёққа кетаётганини сўрашса, билмайман деб жавоб беришларига кўникиб кетишди...

Зимистон тунда бу йилги биринчи қор ёғди. Эмма эртаси куни Кларанинг изларини энди ёққан қор устида кўриб қолди, пойабзал ва пайпоқ излари уни лойқа сув оқиб турган ариққа бошлади. Бироздан кейин қизнинг ҳали совуб улгурмаган жасади топилди, жасад қирғоқдаги қари қарағайга осилиб турарди. Руҳоний ўз жонига қасд қилганни черков одатлари билан дафн этишни таъқиқлади, бундай шароитда мўйсафид чолнинг ҳам, ҳудуд оқсоқолининг ҳам сўзи ўтмади...

## Гўштли рулет



1 кг. яхна (ёғсиз) гўшт 2 марта қиймалагичдан чиқарилади. 2-3 та саримсоқ бўлаги ҳам қиймалагичдан чиқарилади. 6 та қайнатилган тухум арчилади. Қиймага туз, мурч, кашнич уруғи, зира солинади ва уриб пресланади. Кейин ёйиб, ичига пишган тухумларни ййиб, рулет шаклига келтирилади. Фолга қоғозига ўралиб, қизиган духовкада 1 соат давомида пиширилади.

## Қўй гўштидан қовурдоқ

Қўйнинг сон қисмидан олинган гўштга эритилган ёғ сурилади. Гўштга бир чимдим туз, долчин ва мурч сепилиб, товага жойланади. Атрофига тўртга бўлинган 12 дона картошка териб чиқилади.

Бошқа идишда 120 г. эритилган ёғ 3 та лимон шарбати, бир стакан қайноқ сув, аджика ва заъфарон билан аралаштирилиб, гўшт устидан қуйилади. Това қиздирилган духовкага қўйилиб, 45 дақиқа давомида пиширилади. Таом тайёр бўлишига 7 дақиқа қолганида гўшт ёнига бутун ҳолда яшил, қизил булғор қалампиридан 8-10 донаси қўшилади.

Гўшт духовкадан олинганидан кейин идишга солинади, атрофига картошкалар терилиб, петрушка япроқлари ва халқача қилиб кесилган яшил, қизил булғор қалампири билан безатилади.



## Картошка нончалари

**1 кг. қайнатилган картошка майда тўғралган 3 дона пиёз ва 2 боғ петрушка билан эзилади. Унга 3 та тухум, 100 г. қирилган пишлоқ ва туз, мурч солиниб, яхшилаб аралаштирилади. Тайёр массадан ёнғоқчалар ясалиб, унга беланади ва пачоқланади. Нончалар қиздирилган ёғда пишириб олинади.**



## Балиқли котлетлар

200 г. қотган нон иссиқ сувда ивитилади. Кейин унга майда тўғралган 4 дона пиёз, эзилган саримсоқ, кўкатлар, майдаланган 1,5 кг. балиқ филеси ва 3 дона тухум қўшилиб, яхшилаб эзилади. Сўнгра унга туз ва зираворлар солиниб, бир хил масса ҳосил бўлгунича қўл билан аралаштирилади. Аралашма тайёр бўлгач, тухум катталигидаги зувалачалар ясалади.

Котлетлар бироз пачоқланиб, унга беланади ва қизиб турган ёғда иккала томони қизаргунча пишириб олинади.

Пишган котлетлар салат барглари терилган идишга эҳтиёткорлик билан жойлаштирилади ва иссиғида лимон бўлаклари ва аччиқ томат соуси билан биргаликда дастурхонга тортилади.

## Олмали салатлар

**Уч-тўртта олма яхшилаб ювилади ва йирик тишли қирғичдан чиқарилади (пўчоғи билан). Битта сабзи майда тишли қирғичдан ўтказилиб, шакар, лимон шарбати, ярим стакан майонез солинади, яхшилаб аралаштирилади.**

* * *



*Тўрт-бешта олма юпқа қилиб тўғралади, лимон шарбати сепилади (рангини сақлаш учун), йирик тишли қирғичдан ўтказилган селдерей, ярим стакан майдаланган ёнғоқ, ярим стакан ювилган майиз ва ярим стакан майонез билан аралаштирилган ярим стакан сметана қўшилади. Олма бўлаклари эзилиб кетмаслиги учун эҳтиёткорлик билан аралаштирилади. Салат идишга солинади, майдаланган ёнғоқ ва бир нечта олча, малина ёки олхўри доначалари билан безатилади.*

* * *

**Пўсти артилган ва куб шаклида тўғралган икки-уч дона олма 200 грамм қайнатилган нўхат ва тўрт-бешта пишган сабзи билан қўшилади, таъмига қараб туз, 250 грамм сметана ёки майонез қўшиб аралаштирилади.**

* * *

*Битта хом шолғом қирғичдан ўтказилиб, иккита тўғралган олма қўшилади, устидан ярим стакан сметана қуйилади ва шакар сепилади.*

* * *

**Тўрт-бешта олма уруғидан тозаланади, тўғралади. 800 грамм янги карам майда қилиб тўғралади ва туз қўшиб бироз юмшатилади. Олма, карам, шакар, лимон шарбати ёки сирка ва бир стакан майонез қўшиб аралаштирилади.**

## Тарвуз шарбати

**Қишнинг совуқ кунларида тарвуз шарбати жонга роҳат бағишлайди. Уни тайёрлаш учун тарвузни иккига бўлиб, мағзи ажратиб олинади. Ёғоч қошиқ билан яхшилаб эзиб, элакдан ўтказиб, икки қават докада сузилади. Шарбат қайнатилади. Устидаги кўпиклари олиниб, совутилади. Бу ҳол шарбат 7-8 марта камайгунча такрорланади. Сўнг 1 кг. тарвуз мағзига 2 қошиқ асал қўшилади. Шарбат ликобча устига томизилганда оқиб кетмаса, тайёр бўлганини билдиради.**



**Қизил рангли, хушбўй шарбатни банкага жойлаб, қопқоғи ёпилади. Қишда бир стакан қайнаб, совутилган сувга бир қошиқ шарбат солиб ичсангиз, маза қиласиз.**

## Консервалаш сири

**Мевалар орасида энг «инжиқ»лари шафтоли, ўрик ва қўзиқориндир. Шафтоли пўсти майин тук билан қоплангани учун мева яхши ювилмайди ва ботулинус микроблари таёқчаси пишириқларда ҳам сақланиб қолади. Бу хавфдан қутулиш учун компот ёки мураббо ичига лимон кислотаси ёхуд нордон мева ёки ғўра қўшиш керак.**

* * *

*Консервалаш учун шиша банка ва темир қопқоқлар ишлатилади.*

* * *

**Сабзавотларни тузлаш учун фойдаланиладиган идиш шиша, ёғоч ёки пластмасса бўлиши мумкин.**

* * *

*Эмал ва сопол идишлар фойдаланишдан аввал ош содаси эритмасида ювилиб, қайноқ сувда чайилади.*

* * *

**Компот, мураббо тайёрлаш учун унча пишиб кетмаган сархил, қаттиқ ва лат емаган мева танланади. Шарбат, соус, жем тайёрлашда аксинча, пишиб етилган мевалар яхши.**

## Фойдали маслаҳатлар



**Турпни тўғраб, бир неча марта совуқ сувда ювиб олинса, унинг тахир мазаси ва ёқимсиз ҳиди йўқолади. Конус шаклидаги оқ турпнинг мазаси жуда ўткир, юмалоқ қора турпники эса ширин бўлади.**

* * *

*Турпдан қилинган салатга ўсимлик мойида бироз қовуриб олинган пиёз қўшилса, янада мазалироқ бўлади. Қирғичдан ўтказилган турп ва сабзига майонез қўшилса, мазаси ундан ҳам яхши бўлади.*

* * *

**Хом шолғом бироз тахирроқ бўлади. Шунинг учун тўғрагандан кейин устидан қайноқ сув қуйилади.**

* * *

*Шолғом 1 л. сувга 100 г. туз солиб пиширилади.*

* * *

**Консерваланган кўк нўхат суви билан иситилгандан кейин суви тўкиб ташланади.**

* * *

*Нўхат 1-1,5 соат давомида пиширилади. Уни совуқ сувга солиб, қопқоғини ёпиб, паст оловда пиширинг. Агар нўхат эски бўлса, бироз ивитинг.*

* * *

**Нўхат пишаётган вақтда идишга совуқ сув солманг, таъми бузилади.**

* * *

*Лавлаги пишганда ва димланганда рангини ўзгартирмаслиги учун унга сирка ёки лимон шарбати қўшинг.*

* * *

**Бирданига турли кўкатлардан фойдаланманг, улар бир-бирининг таъмини йўқотади.**

* * *

*Пиёзни тўғрашдан олдин пичоққа туз суртинг, шунда унинг нохуш ҳиди бўлмайди.*

* * *

**Агар тўғралган пиёз туз сепилган идишга солинса, яхши сақланади.**

* * *

*Қовурилган пиёз сап-сариқ бўлиши ва куйиб кетмаслиги учун қовуришдан олдин пиёзни унга булғаб олинг.*

* * *

**Карам сирка билан димланса, у диркиллаб туради. Гулкарамни эса сут билан димлаш тавсия қилинади.**

* * *

*Карамга кўпинча турли ҳашаротлар кириб қолади, шунинг учун ишлатишдан олдин уларни 5-10 дақиқа намакобга солиш керак, шунда ҳашаротлар сув устига чиқади.*

* * *

**Карам тузланган сувни баҳорда турли сабзавотларга сирка ва лимон шарбати ўрнида ишлатиш мумкин, чунки унда витаминлар кўп.**

* * *

*Гулкарамни пиширишдан олдин бироз лимон кислотаси ёки сирка қўшилган совуқ сувга солиб, кучли оловда очиқ идишда пиширилса, оппоқлигича қолади.*

* * *

**Карам пиширганда ошхонада ёқимсиз ҳид бўлмаслиги учун идиш устига сиркага ҳўлланган дока қўйиб, қопқоғини ёпинг. Идишга бироз шакар қўшиш ҳам мумкин.**

* * *

*Янги картошкани артганда қўл қорайиб қолади. Шунинг учун артишдан олдин қўлга сирка суртиб, уни сочиқ билан артмасдан қуритиш керак.*

* * *

**Буғда пиширилган картошка тўйимли бўлади.**

* * *

*Салат учун пиширилаётган картошкага бироз сирка қўшинг. Картошка ранги чиройли бўлади.*

* * *

**Пишган тарвуз усти ялтироқ бўлиб туради, уни чертганда тиниқ жаранглайди.**

* * *

*Яхши қовуннинг банди йўғон бўлади.*

* * *

*Қовуннинг пишганлигини аниқлаш учун унинг учини босиб кўринг. Яхши пишмаган қовуннинг пўчоғи қаттиқ бўлиб, пишган қовунники сал юмшоқ бўлади.*

**Н.ЖЎРАБЕКОВА**

*Шеър азиз олам аро...*

## Аёл

Мен аёл шаънига сўз айтмоқ бўлсам,
Хушбўй атиргуллар чиқади пешвоз.
Таърифдан лол қолиб, боз қайтар бўлсам,
Замину замонам қўлга тутар соз...
Яратган орзудан яратса эрни,
Аёлни хаёлдан яратгани рост.
Чўнг орзу-умидлар таянчи Ернинг,
Хаёлни ҳижронлар қаритгани рост...
Дунёни тебратган Аёл қўллари,
Алпомиш келбатлар айлаган таъзим.
Аёл бор, ифорли ўнгу сўлларим,
Аёл бор, Ватаним қудратли, азим.
Кўзимнинг нурлари сўнмагай, токи
Оламда орзу ва хаёл бор экан.
Эркаклар ҳақиқий эркакдир, чунки
Мардликка илҳомчи Аёл бор экан!

**Умида АБДУАЗИМОВА**



**Пойтахтимиздаги 2-Тошкент юридик коллежи битирувчиларига диплом топшириш маросими бўлиб ўтди. Тадбирда таълим муассасаси ўқитувчи ва мураббийлари, талабалар ҳамда уларнинг ота-оналари иштирок этди.**

Жорий йилда билим масканини 556 нафар битирувчи тамомлади. Улардан олтмиш нафари ўқишни аъло баҳоларга битириб, имтиёзли диплом соҳиби бўлганликлари айниқса қувонарлидир.

Бугунги кунда мазкур коллежда 1926 нафар йигит-қиз ҳуқуқ ва ижтимоий муҳофаза, ҳуқуқни ҳимоя қилиш фаолияти, маъмурий ҳуқуқий фаолият сингари учта таълим йўналиши бўйича таҳсил олаётир. Коллежда ўқувчиларни замон талаблари асосида таълим-тарбия олиши учун барча шароитлар яратилган.

**Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган сурат**

*Ўлкамиз оромгоҳлари*

## «Кўксарой»

**Паға-паға булутлар орасидан савлат тўкиб турган тоғ ҳар қандай кишини лол қолдиради. Бир қарашдаёқ ҳайратга солувчи муаззам саройни, кошинкор иморатни эслатувчи қоялар ҳақида кўплаб афсоналар тўқилган. Кўксарой тоғи номи билан аталадиган дам олиш масканини Швейцария ёки Ҳиндистоннинг Кашмир водийсига қиёслашади.**

«Кўксарой» оромгоҳи ва унга туташ тоғ-адирлар ўсимликларга ғоят бой бўлиб, гиёҳлардан юзга яқини доривор ҳисобланади. Санкт-петербурглик академик В.Тряпицин бу ерда кузатув олиб бориб, шундай хулосага келган экан: «Мени ўсимликшунос сифатида дунёнинг бошқа ерларида учрамайдиган, инсон организми учун фойдали ва турли касалликларга даво бўлувчи ўсимликлар лол қолдиради».

«Кўксарой» ишга туширилганига қирқ йилдан ошди. Умумий майдони 10 гектар, шундан 1 гектари боғ. Бу ерда табиий ўсимликларга зиён етказмаган ҳолда кўпроқ атиргул ўстирилмоқда. Оромгоҳ хоналари иккиуч кишилик бўлиб, оилавий ва жамоа бўлиб ҳордиқ чиқаришга қулай.

— Бизда, — дейди «Кўксарой» МЧЖ бошқаруви раиси Турғунпўлат Эсонбоев, — мижозлар кўнгилли дам олиши учун етарли шароит яратилган. Уларнинг маданий-маърифий эҳтиёжларини ҳам ҳисобга олганмиз. Дам олувчиларни зериктириб қўймаймиз.

Биз борган куни Янгиқўрғон туман маданият уйи бадиий ҳаваскорлик ансамбли келган экан. Тушликдан чиққан дам олувчилар сой бўйидаги кўкаламзорга йиғилган. Бир зумда куй қўшиққа уланди. Сал наридаги волейбол майдончасида эса мусобақа давом этар, кимдир оромгоҳ кутубхонасидан олган китобини ўқиш билан банд, яна бошқаси саломатлиги учун ғоят фойдали маъданларга бой сой сувида чўмилишни афзал кўрган.

Ҳа, «Кўксарой» шундай жой. Бундай мўъжизакор масканларда сайр қилиш ва унинг фусункор табиатини томоша қилиш одамни ҳам маънан бойитади, ҳам саломатлигини мустаҳкамлайди.

**Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

*Қатра*

## Ўзбекчилик



*Ўзбеклар ким бўлса ҳам «Ассалому алайкум» дея саломлашади. Борди-ю, гап-гапга, кўнгил-кўнгилга боғланиб қолса, «Ия, қариндош эканмиз-ку, билмабмиз-а» деб юборишади.*

*Ота-онани катта давлат деб билади улар. «Ота-оналар ҳамиша соғ-саломат бўлишсин, фарзандлари роҳатини кўришсин» дея ният қилишади. Иккита ўзбек кўришса бўлди. Бири тўй қиламан деса, иккинчиси уй қураман дейди. Хонадонига хоҳ таниш, хоҳ нотаниш келсин, «Қани, ичкарига, бир пиёла чойим бор» дея самимий таклиф қилади. Дастурхон атрофида чойнон узатади. «Олинг-олинг, олиб ўтиринг» дейишади.*

*Ўзбек тўйлари ҳамиша тўкин-сочин. Эшитган келаверади. Ўзбек дастурхонининг кўрки, зийнати ҳам чой. Эътибор берилса, шўрвадан кейин ҳам, паловдан кейин ҳам чой беришади. Туришдан олдин ҳам бир пиёла чой узатилади.*

*Ота уйини ўзбеклар катта эшик дейишади. Катта эшик кўпроқ кичик ўғилга мерос. Ўзбекнинг соддалиги ҳақиқат. Ёши улуғ деб катталарнинг ҳам, кичикларнинг ҳам гапига ишонаверади.*

*Эрта тонгдан ҳам эртароқ уйғонишади. «Бисмилло» деб иш бошлашади. Мен ҳам ўзбеклигимдан фахрланаман.*

**Абдураҳим БОЗОРБОЕВ**

## «Ватанимни севиб куйлайман»

*Истеъдод*

**Икромжон 1998 йилнинг 8 март кунини ёдидан чиқармаса керак. Ўша куни мактабда «Сен барибир муқаддассан, муқаддас аёл» тадбири ўтказилаётганди. Яқинда отаси Тўлабой бобоси совға қилган рубобда бир қараса томға, бир қараса дарахт устига чиқиб олиб, хиргойи қилиб юрган Икромжон мактаб саҳнасида илк бор қўшиқ куйлаганди. Отаси Иброҳим ака онаси Нуринисо опа ўғлининг юракдан жўшиб куйлашини кўриб, ҳаяжонланарди. Айниқса отаси:**

— Қара, онаси, ўғлимиз кап-катта йигит бўлиб қолганини сезмай қолибмиз. Ота ўғил-да, ота ўғил! Ушалмаган орзумни ўғлим тимсолида кўраяпман, — дерди.

Икромжон Тўлаев Юқоричирчиқ тумани Дархон қишлоғидаги 12-мактабни тугаллаб, Тошкент маданият коллежига ўқишга кирди. Коллежда ўқиб юрган чоғлари қўшиқчиликнинг анъанавий ижро йўналиши бўйича Ўзбекистон халқ артисти Ғанижон Ваҳобовдан кўп нарса ўрганди. Таҳсилни муваффақиятли тугатгач, Янгибозор маданият уйига ишга келди. У ерда ширали овоз соҳиби Эркинжон Аҳмедовга шогирд тушди. Ҳозирги кунда Икромжон Тўлаев Янгибозор маданият уйи хушовоз хонандаси сифатида туманда ўтказилаётган байрам тадбирларида фаол иштирок этиб келмоқда.

2004 йил Икромжон учун омадли бўлди. Ўша йили туманда ўтказилган «Ўзбекистон — ватаним маним!» танловида «Ватан» қўшиғи билан биринчи ўринни эгаллаб, вилоят танловида ҳам муваффақиятли қатнашди.

— Мен Ўзбекистонимни жондан ортиқ севаман. Қани ўзингиз айтинг-чи, бундай гўзал ватан яна қаерда бор? Юртимиз билан ҳар қанча фахрлансак оз, — дейди у.

Икромжон яқинда туманда ўтказилган «Ягонасан, муқаддас ватан!» танловида анъанавий қўшиқ ижрочилиги бўйича ғолиб чиқиб, вилоят танловига йўлланма олди.

**Латифжон МАНСУРОВ,**
**Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси аъзоси**

Insonga naf keltirish — oliy baxt

O'ZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI — FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

**МУАССИС:**
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир
Абдухолиқ АБДУРАЗЗОҚОВ

**Таҳрир ҳайъати:**
Алла Долженкова,
Анвар Юнусов,
Довуд Мадиев
(Бош муҳаррир ўринбосари),
*Жаҳонгир Шарофбоев*
(масъул котиб),
*Маъмура Адилова,*
*Мирзоҳид Содиқов,*
*Нормамат Аллаёров,*
*Носирхон Акбаров,*
*Ойсулув Нафасова,*
*Пиримқул Қодиров,*
*Соғиндиқ Ниетуллаев,*
*Шамси Эсонбоев*

**Бизга қўнғироқ қилинг:**
Котибият: 256-52-78
Хатлар бўлими: 256-85-43

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0116-рақам билан рўйхатга олинган.
IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди.
Бичими А-3.
Ҳажми 4 босма табоқ.

**Манзилимиз:**
100165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй.
Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.

Сотувда эркин нархда

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.
Нашримиздан кўчириб босилганда «Ishonch»дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.
Тижорат аҳамиятига молик материаллар (h) белгиси остида чоп этилади.

E-mail: mail@ishonch.uz

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

**Навбатчи котиб:**
Ж.Шарофбоев

**Навбатчи:**
А.Абдуллаев

**Мусаҳҳиҳ:**
С.Шодиева

Саҳифаловчи-дизайнер:
Ҳ.Абдужалилов

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 22.20

Буюртма Г—651

Тиражи: 12995

ISSN 2010-5002

1 345